Музей Ўзбекистон давлат архиви, республика муассасаларининг архив ва музейлари билан илмий-услубий соҳаларда ҳамкорлик олиб боради. Ҳарбий округ ва олий ҳарбий таълим муассасалари музейларини ташкил этиш, такомиллаштириш ишларида илмий-услубий ва амалий ёрдам беради.

Музей ҳузурда илмий-тадқиқот маркази

ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳарбий округлар, ҳарбий-таълим муассасаларининг ҳарбий-тарихий музейлари фаолиятини мувофиқлаштиришга доир ишларни олиб бориш;

- Қуролли кучлар тарихига оид архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни тўплаш;

- мавзуга доир илмий экспозицияларни ташкил этиш (стационар, кўчма кўргазмалар ва ҳоказолар);

- илмий-маърифий ишларни амалга ошириш (фондларни сақлаш, кенгайтириш ва ҳоказолар);

- илмий-услубий ишларни ташкил этиш (турдош муассасалар билан тажриба алмашиш, илғор тажрибани тарғиб қилиш, услубий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар).

Қуролли кучлар давлат музейидаги тарихий экспонатлар мамлакатимиз ҳудудида милоддан аввалги IV–V асрлардан то ҳозирги кунгача бўлган халқимизнинг бой ҳарбий санъати ва ҳарбий анъаналари ҳақида ҳикоя қилади.

Музей экспозициясидан юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимий мудофаа қалъалари макетлари, қадимдан то бугунги кунгача давлатимиз ҳудудида яшаб келган одамлар, уларнинг турмуш тарзи, айниқса, илк тош даврдан Марказий Осиё ҳудудида қўлланилган қуроллар ва муҳофазага таалукли бўл-

Қуролли кучлар  
давлат  
музейидаги  
тарихий  
экспонатлар  
мамлакатимиз  
ҳудудида  
милоддан аввалги  
IV–V асрлардан  
то ҳозирги  
кунгача бўлган  
халқимизнинг бой  
ҳарбий санъати  
ва ҳарбий  
анъаналари  
ҳақида ҳикоя  
қилади

ган маълумот ва экспонатлар ўрин олган. Бу ерда даврлар ўтиши жараёнида қуролларнинг такомиллашуви – тош қуроллар, тош ва суюқлардан ясалган ўқ-ёйлар билан бир қаторда замонавий қурол-яроғлар, автомобил ва зирхли техникаларнинг макетларигача кўриш мумкин.

Музей фондида 26 мингдан ортиқ нодир ва бебаҳо экспонат ва архив материаллар мавжуд бўлиб, йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида Ўзбекистоннинг ҳарбий тарихига оид бой музей коллекцияси йиғилган.

Бир йил давомида музейга 35 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли ва чет эллик делегациялар ва меҳмонлар ташриф буюради, улардан 70 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади.

Музейнинг биринчи қаватида шинам ва кўркам кўргазмалар зали ҳам жойлашган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ахборот маркази ходимлари томонидан мунтазам равишда муҳим саналарга бағишлаб илмий-маърифий тадбирлар, турли мавзулардаги фотосуратлардан иборат кўргазмалар ўтказилади.

Музейнинг биринчи бўлими «Қадимги ва илк ўрта асрлар» деб номланиб, у ўз ичига илк тош давридан то XIII асргача Марказий Осиё ҳудудида қўлланилган қуроллар ва муҳофазага тааллуқли бўлган маълумотларни қамраб олади.

Иккинчи бўлим «Амир Темур ва теурийлар даврида ҳарбий иш» бўлиб, унда теурийлар давридаги ҳарбий санъат, қурол-аслаҳалар, Амир Темур авлодларидан Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур портретлари ва улар яшаган даврга оид материаллар, «Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси» деб номланган уруш манзарасини тасвирловчи рангтасвир асарлари намойиш этилган.

Учинчи бўлим «Ўзбекистон ҳудудида XVI–XIX аср ўрталарида ҳарбий иш» деб номланиб, унда Ўзбекистон тарихида уч давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари давридаги муҳим компонентлардан бири ҳисобланган ҳарбий иш ёритилган.

Тўртинчи, «Мустамлака даврида ҳарбий сиёсат ва қўшинлар ҳолати» бўлимида эса Россия империясининг Ўрта Осиёга юришлари ва империя қўшинларига қарши курашлардан лавҳалар ва ишлатилган қуроллар ҳақида маълумот берилган.

«Совет давридаги ҳарбий сиёсат ва муммолар» бўлими экспозициясида фашизмга қарши кураш йиллари ўзбекистонликларнинг



фашизм устидан қозонилган ғалабага (уруш фронтлари ва фронт ортида) кўшган ҳиссаси ҳамда ўзбекистонлик уруш қатнашчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борган ишлари ёритилган. Урушдан кейинги давр экспозициясида Туркистон ҳарбий округи фаолияти ёритилган. Шу билан бирга бу ерда 1979–89 йилларда содир бўлган Афғон воқеалари ҳақида ҳам кўплаб экспонат ва архив ҳужжатлар йиғилиб, ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Кейинги бўлим «Қуролли кучларнинг мустақилликка эришиш арафасидаги ҳолати. Туркистон ҳарбий округи (1989–1991 йиллар)». Бу ерда намойиш этилган экспонатлар орқали ташриф буюрувчилар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қўшинлар аҳволи, уларнинг ҳарбий ва моддий техника базаси ҳақида таасуротга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ташкил этиш жараёни (1991–1992 йиллар) бўлими мамлакат раҳбариятининг Қуролли кучларини шакллантиришнинг дастлабки босқичидаги сиёсатига бағишланган. Витриналарда миллий армиямизда қўлланиладиган ҳарбий кийим-кечак намуналари намойиш этилган. ▶

Музей фондида 26 мингдан ортиқ нодир ва бебаҳо экспонат ва архив материаллар мавжуд бўлиб, йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида Ўзбекистоннинг ҳарбий тарихига оид бой музей коллекцияси йиғилган





«Жисмоний тарбия ва армия спортини ривожлантириш» бўлимида жисмонан баркамол ҳарбий хизматчиларни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни, барча турдаги ҳарбий тузилмаларда спортнинг шакл ҳамда услублари акс эттирилган

Қуролли кучларнинг ташкил топиш ва ривожланиш босқичлари (1992–2010 йиллар)» бўлими Қуролли кучларнинг қурилиш стратегиясини очиб беради. Мазкур бўлимда Республикамизда фаолият юритаётган олий ҳарбий билим юрталари, ҳарбий округлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари таркиби ҳақида етарли маълумотлар олиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, бу ерда Қуролли кучларнинг шартнома бўйича ҳарбий хизматга ўтиши, профессионал армиянинг аҳамияти, сержантлар таркибининг армиядаги роли ҳақидаги ахборот ҳам очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси замонавий Қуролли кучларининг жанговар қудрати» бўлимида Қуролли кучлар қудрати, уларнинг давлат хавфсизлиги ва яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай вазифани бажаришга тайёрлиги кўрсатилган. Бу ерда замонавий авиация, автомобиль ва зирҳли танк техникаси, армия тасарруфидаги турли қўшинларга тегишли кийим-кечак (тўлиқ ҳолда), катта миқдордаги ўқ отар қуроллар намойиш этилган.

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳи-

мояси» бўлимида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани очиб берилган. Ушбу чора-тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий маиший шароитларини яхшилаш имконини беради. Витриналарда ҳарбий шахарчалар макети, фото ва видео материаллар акс эттирилган.

«Жисмоний тарбия ва армия спортини ривожлантириш» бўлимида жисмонан баркамол ҳарбий хизматчиларни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни, барча турдаги ҳарбий тузилмаларда спортнинг шакл ҳамда услублари акс эттирилган. Бу бўлимни очиб беришда Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий спортчиларининг, Олимпия ҳамда Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларининг, жаҳон чемпионларининг фотосуратлари ҳамда улар турли мусобақаларда қўлга киритган совринлари, медалларнинг намуналари-дан фойдаланилган.

«Хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлик» бўлими экспозициясида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик масалалари акс эттирилган. Бўлим экспозициясидан ҳужжатлар билан бир қаторда турли хорижий ҳарбий делегациялар томонидан тақдим этилган эсдалик совғалар жой олган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, Музейга ташриф буюрган ҳар бир ташрифчи буюк аждодларимиздан қолган ҳарбий мерос билан танишибгина қолмай, ўзига маънавий озуқа ҳам олади. Музей экспозицияси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия топишлари, ўз халқи ва оиласига содиқ фарзанд бўлиб улғайишларида ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

**Фароғат Аҳмедова, заместитель директора Государственного музея вооружённых сил Республика Узбекистан.**

*Государственный музей Вооружённых сил Республики Узбекистан – один из крупнейших военно-исторических музеев в Центральноазиатском регионе. Музей начал свою деятельность в здании центрального Дома офицеров г. Ташкента 4 марта 1965 года в качестве Центрального музея Вооружённых Сил Туркестанского военного округа. Исторические экспонаты музея показывают последовательность развития военного дела и военного искусства на территории нашей страны. В экспозиции отражена эволюция оружия от луков и стрел каменного века до современного автоматического стрелкового оружия и самонаводящихся ракет. Фонды музея насчитывают около 30 000 экспонатов и архивных материалов.*

*Деятельность музея вносит особую и значимую лепту в дело военно-патриотического и духовно-нравственного воспитания молодежи, формирует неподдельное чувство гордости у военнослужащих за принадлежность к Вооружённым Силам Республики Узбекистан. ■*

# МОЛОДЕЖЬ ЧИТАЮЩАЯ

методические рекомендации  
по привлечению  
молодежи к чтению



Главной задачей нашего государства выдвинуты пять важных инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работы по новой системе.

Первая инициатива – повышение интереса молодежи к музыке, рисованию, театру и другим видам искусства, содействие реализации её таланта.

Вторая инициатива – физическая закалка молодежи, создание необходимых условий для занятия спортом.

Третья инициатива – повышение навыков населения и молодежи по использованию компьютерных технологий и интернета.

Четвертая инициатива – повышение духовности молодежи, широкая пропаганда культуры чтения.

Пятая инициатива – создание дополнительных возможностей для обеспечения занятости женщин.

На реализацию целей четвертой инициативы, которая напрямую касается информационно-библиотечных учреждений, направлен проект программы мер по повышению духовности молодежи, широкой пропаганде среди неё читательской культуры. Особое внимание должно быть уделено созданию условий для привлечения молодёжи к чтению, а для этого фонды библиотек должны постоянно пополняться качественной литературой. Нужны новые, популярные, и просто хорошие книги, которые могут привлечь молодых читателей.

Молодежь – это люди в возрасте от 14 до 25 лет. Именно так определяет эту категорию читателей библиотечная статистика. У молодости есть ряд особенностей, отличающих ее от других возрастов. По своему характеру молодость – это переход от детства к взрослости. В каких-то вопросах молодежь является вполне зрелой, серьезной и ответственной,

а в других – наивной и ограниченной. Молодость – это время формирования личности, поиска своего «Я».

Чтение в молодости – это обучение, средство расширения кругозора, возможность пережить с героями книг сложные жизненные ситуации и приключения, способ проведения досуга. Именно в молодости человек, как правило, встречается со своей «главной» книгой, которая часто влияет и на выбор профессии, и на отношение к жизни. Продвижение чтения в молодежной среде – актуальная проблема, требующая пристального внимания библиотечных специалистов.

Часто сотрудники библиотек встают в тупик: ну, что ещё можно придумать такого, чтобы молодые люди стремились в библиотеку. Это действительно трудно, потому что у взрослых и молодых разные социальные ориентиры, культурные предпочтения, потребности и мотивы посещения тех или иных мест и прочее.

Ответ напрашивается сам собой. Нужно просто спросить об этом саму молодёжь. Но не с помощью опросов – это формально и нерезультативно. Попробуйте предложить молодым людям самим придумать проект и реализовать его в библиотеке. Можно провести среди пользователей конкурс библиотечных молодежных проектов «Фабрика идей», проработать проекты и наиболее значимые отобрать для практической реализации.

Молодёжь требует к себе особого внимания, и именно библиотеки являются «социальными лифтами», дающими и знания, и широту кругозора, и психологическую подготовку к взрослой жизни. Во многих странах мира идет процесс создания отдельных юношеских, молодежных библиотек. Молодежная библиотека предполагает обновленный книжный фонд; наличие компьютерной техники, популярной у молодежи; новый моло-



**Лариса Егай,**  
заведующая научно-методическим отделом Информационно-библиотечного центра Сырдарьинской области

Молодежь – это люди в возрасте от 14 до 25 лет. Именно так определяет эту категорию читателей библиотечная статистика. У молодости есть ряд особенностей, отличающих ее от других возрастов. По своему характеру молодость – это переход от детства к взрослости

Вопрос «Как привлечь читателя в библиотеку?» всегда остро стоял перед библиотечным сообществом. Актуален он и сейчас. Причина такой его «живучести» во многом зависит от выбора потенциальным читателем способа получения информации

Чередование различных форм внутри одного мероприятия исключает его монотонность. Мероприятия должны быть информационно насыщенными, яркими, интересными, запоминающимися

дежный дизайн; зоны для занятий, зоны для досуговой деятельности, вплоть до спортивного зала.

Вопрос «Как привлечь читателя в библиотеку?» всегда остро стоял перед библиотечным сообществом. Актуален он и сейчас. Причина такой его «живучести» во многом зависит от выбора потенциальным читателем способа получения информации. Сейчас, в век информационных технологий, здесь действует критерий: быстро, удобно и наименее трудозатратно. А где сейчас, согласно данному критерию, проще всего получить информацию? Конечно, в Интернете. Зачем идти в библиотеку, тратить время, выискивать нужный материал, выписывать, если всю необходимую информацию можно быстро «скачать». Компьютеры, ноутбуки, сотовые телефоны с выходом в Интернет – и мы имеем опустевшие читальные залы.

Во все времена массовые мероприятия служили своего рода заслоном оттоку читателей, являясь действенной и эффективной формой привлечения читателей в библиотеку. Во-первых, помимо информирования (устного, наглядного, печатного, аудиовизуального), массовая работа включает в себя и рекомендации книг читателям. Чередование различных форм внутри одного мероприятия исключает его монотонность. Мероприятия должны быть информационно насыщенными, яркими, интересными, запоминающимися. По крайней мере, библиотекари должны постараться сделать их такими, чтобы человек, впервые пришедший в библиотеку, захотел прийти еще раз, стал ее читателем. (Экскурсии по библиотеке; рекламно-информационные акции «Как пройти в библиотеку?», «Приведи друга в библиотеку»; рекламные кампании; клубы по интересам; творческие конкурсы).

Для создания привлекательного образа библиотеки можно попробовать реализовать проект «Распахнутые окна». Проект предполагает двухстороннее оформление витринных окон на первом этаже библиотеки. Окна можно использовать для организации экспозиций различного содержания; для размещения информации о библиотеке, о мероприятиях библиотеки, о читателях; о значимых событиях из жизни местного сообщества; фото-выставок, посвященных партнерским организациям. В окне можно выставить одну или несколько книг с краткими интригующими аннотациями, иллюстрации к книге и приглашение зайти в библиотеку. Тем самым библиотека расширяет свое информационное пространство, делает «шаг на улицу», навстречу своим читателям. При периодической смене экспозиции, проект можно использовать в течение длительного времени.

Библиотекаря нужно ясно понимать, что круг интересов и выбор современной молодежи в сфере библиотечного обслуживания формируют реалии сегодняшней жизни. Мы, библиотекари, можем предложить свои услуги, сделав их как можно более привлекательными, то есть создать условия для приобщения к чтению.

Одно из таких условий – использование сети Интернет в работе библиотеки с молодежью. Несколько примеров возможного использования сети Интернет для продвижения чтения в молодежной среде:

- рассылка отрывков из наиболее популярных книг по электронной почте;
- организация на сайтах библиотек рубрики «обсудим книгу», рубрик-рекомендаций;
- рубрика «литература без обложки» – набор цитат из книг, которые можно взять в библиотеке; автор и название книги не указываются – только яркий отрывок из произведения и кнопка «Узнать книгу», нажав на которую можно узнать, в каком отделе библиотеки можно взять книгу для чтения;
- участие в акциях, которые проводятся в социальных сетях;
- виртуальные выставки – одна из самых популярных форм работы с книгой в сети Интернет. Выставки новых поступлений, тематические выставки, выставки-презентации, выставки-иллюстрации, которые можно разместить на сайте библиотеки, а также в социальных сетях.

Таким образом, с одной стороны, Интернет уводит читателя из библиотеки, а с другой – является средством привлечения к



чтению. Хотя результаты анкетирования, проведенного среди населения Сырдарьинской области, показали, что почти 65 процентов опрошенных, среди которых более 50% составляет молодежь в возрасте от 17 до 25 лет, предпочитают все-таки держать книгу в руках. И задача издающих организаций сделать так, чтобы книгу захотелось взять в руки, и издавать те книги, которые пользуются спросом у молодежной аудитории.

Сегодня библиотечное обслуживание молодежи должно сочетать традиционные и инновационные формы и методы обслуживания. При организации массовой работы с молодежью важно обращать внимание на содержание и форму мероприятий. Практика работы с молодежной аудиторией показывает, что наиболее привлекательной для нее являются развлекательные формы работы. Можно порекомендовать следующие формы работы:

**Развлекательные:** музыкальные конкурсы, игровые программы, конкурсы творческих работ, молодежные акции, театрализованные вечера.

**Познавательные:** интеллектуальные марафоны, интеллектуальные игры, творческие часы, часы кулинарного мастерства, вечера откровений.

Для разговора с молодежью на серьезные темы можно использовать диалоговые формы: круглые столы, групповые дискуссии, деловые игры, вечера вопросов и ответов.

Важное место в работе библиотек по привлечению молодежи занимает выставочная деятельность. Тематика выставочной деятельности для молодежи разнообразна: «Любопытно, потому что это читают молодые», «Школа умной и полезной книги», «С книгой мир добрей и ярче», «Книги, ждущие, чтобы их прочитали», «Книга – это маленькая жизнь».

В фойе информационно-библиотечного центра Сырдарьинской области размещен

информационный стеллаж, который представляет собой изображение книг, на корешки которых нанесен QR-код, с помощью которого можно скачать книги на мобильное устройство. Представлено 120 экземпляров электронных книг популярных писателей.

Совсем недавно в центрах многих городов располагались круглые рекламные тумбы, на которых обычно были расклеены кино- и театральные афиши. Городские парки, площадки перед библиотеками, традиционные места отдыха могут стать прекрасным местом для размещения таких информационных стеллажей.

Еще одно возможное направление рекламной деятельности библиотек – размещение наружной рекламы на транспортных средствах. Можно размещать рекламу библиотек («Библиотека ждет вас!», «Для вас открыты наши двери и сердца!»), рекламу книг («А ты прочитал?», «Прочти, и станешь мудрее», «Книга – зеркало жизни»), рекламу авторов («Великий писатель», «Любимый поэт»).

Всё, о чем сказано выше – это PR-акции. Мы должны быть видимы, заметны и значимы в местном сообществе – и этому должны способствовать проекты, которые помогут реализовать творческий потенциал, внести оживление в деятельность библиотеки, показать, что она и сегодня востребована.

Главная задача библиотеки в работе с молодежью – посредством книги и чтения содействовать формированию гармонически развитой, образованной, социально-активной личности, свободно ориентирующейся в информационном пространстве. Это сложный и долговременный процесс, требующий целенаправленной работы.

*Использованные ресурсы:*

<https://studfiles.net>  
<http://www.vmo.rgub.ru>  
<http://mag-union.ru>  
<http://izhmmc.ru>

Сегодня библиотечное обслуживание молодежи должно сочетать традиционные и инновационные формы и методы обслуживания

Практика работы с молодежной аудиторией показывает, что наиболее привлекательной для нее являются развлекательные формы работы

Для разговора с молодежью на серьезные темы можно использовать диалоговые формы: круглые столы, групповые дискуссии, деловые игры, вечера вопросов и ответов

**Лариса Егай, Сырдарё вилояти Ахборот-кутубхона маркази Илмий-услуги бўлим раҳбари.**

*Муаллиф мақолада давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус асосида қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз юритади. Бунинг учун, энг аввало, ташаббуснинг ахборот-кутубхона муассасалари билан бевосита боғлиқ бўлган мақсадларини амалга ошириш учун ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ёшларни китобхонликка жалб қилиш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ва бунинг учун кутубхона фондларини доимий равишда юқори сифатли адабиётлар билан тўлдириб борилишига эришиш лозимлиги урғу беради.*

# АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИНИНГ НОСТАЦИОНАР ШАКЛЛАРИ



**Авазбек Қўлдошев,**  
Андижон вилоят  
ахборот-ресурс  
маркази раҳбари

» **Б**из кутубхоначилар аччиқ ҳақиқатни, яъни ўтган асрнинг 80-90-йиллари ва янги асримизнинг дастлабки йигирма йили мобайнида аҳоли, айниқса, ёшлар китоб мутолаасидан анча йироқлашиб қолганлигини тан оламиз. Бу салбий ҳолатга сабаб, албатта, кутубхоналар эътибордан четда қолди, натижада уларнинг фондлари тегишли равишда тўлдирилмади, борлари «ўқиб бўлинди», моддий техник базасини ривожлантириш чоралари кўрилмади, алмисоқдан қолган ўриндиқ ва китоб жавонлари кутубхонага келган фойдаланувчини ўзидан йироқлаштиради.

Шукрим, ҳозирда аҳолининг яшаш даражаси ўсиб бормоқда, ҳар бир оилада замонавий техника воситалари мавжуд. Бу ҳам қайсидир даражада мутолаа маданиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, уяли алоқа воситалари орқали ахборотнинг барча тури ва зарурини тезкорлик билан олиш имкониятига эгалгимиз бундан яхши. Шунингдек, кутубхоналар ҳам ўз фаолиятлари доирасини барча жабҳаларга кенг татбиқ этиши китобхонлик даражасига ўз улушларини қўшган бўладилар. Кутубхоналар фаолиятида аввал кенг фойдаланилган ва ўз самарасини берган – ностационар (кутубхонадан ташқарида) хизмат кўрсатиш шакли ҳозирда айнан энг самарали хизмат тури сифатида ўз ўрнини эгаллайди дея ишонч билан айта оламиз.

Кутубхоначилик ишининг бу шакли ўз ичига «Кўчма кутубхона», «Кўчма ўқув зали» «Китоб бериш пункти», «Библиобус» ва «Китоб элтувчи» кабиларни олади. Қуйида уларнинг ҳар бирининг фаолият тамойиллари ҳақида фикр юритамиз.

**Кўчма кутубхона** – жамоатчилик билан ҳамкорликда ташкил этилиб, кутубхона хизмат ҳудудида жойлашган ташкилот, муассаса ва корхоналарда, шунингдек кутубхонадан

олисдаги аҳоли яшаш жойларида ташкил этилади. У ўз олдига ўша жойдаги ишчи-хизматчи, аҳолини китоб мутолаасига жалб этиш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли равишда қондиришни мақсад қилиб кўяди. Кўчма кутубхона хизматидан фойдаланувчиларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фаолият соҳасига оид ахборот-манбалари, шунингдек, бадийий ва болалар адабиётлари билан таъминлаш, белгиланган муддатларда алмаштириш, янги олинган нашрлар тўғрисида ахборот бюллетенлари ёрдамида хабардор этиш, жамоатчи кутубхоначига хизмат кўрсатиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши ва тадбирлар уюштиришда амалий-услубий ёрдам беради.

Иккинчи томон – кўчма кутубхонанинг фаолият олиб бориши учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш, яъни жамоатчи кутубхоначи тайинлаш, жой ажратиш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш, вақтинча фойдаланиш мақсадларида берилган ахборот манбаларига зарар етказилишини олдини олиш ва бошқа мажбуриятларни олади.

**Китоб бериш пункти.** Ахборот-кутубхона хизмати билан қамраб олишнинг энг самарали шаклларида бўлиб, кутубхонадан олисда жойлашган аҳоли пунктлари, микрорайонлар, йирик саноат корхоналари, фермер хўжаликлари ва катта контингентига эга бўлган ўқув муассасаларида ташкил этилади.

Китоб бериш пунктининг иш принциплари аввалги филиал – кутубхоналарники билан бир хиллиги билан характерлидир, фақат уларнинг иш тартиби ҳафтанинг маълум кунларига фойдаланувчиларнинг асосий машғулотлари билан банд бўлмаган вақтларга, қисқартирилган (кун мобайнида 4 соатгача) фойдаланувчилар учун қулай ҳолда белгиланади. Китоб бериш пункти фаолиятини ҳисобга олиш ҳужжатлар тури ва юритилиш тар-

Кутубхоналар фаолиятида аввал кенг фойдаланилган ва ўз самарасини берган – ностационар (кутубхонадан ташқарида) хизмат кўрсатиш шакли ҳозирда айнан энг самарали хизмат тури сифатида ўз ўрнини эгаллайди



тиби стационар кутубхоналар билан бир хилда юритилади.

**Кўчма ўқув зали.** Кўчма кутубхона хизмати-нинг мазкур тури ҳам фойдаланувчиларни мутолаага жалб этиш, янгиликлардан тезкор хабардор бўлиш, жамоа бўлиб мутолаа қилиш, олган таассуротни ўртоқлашиш, қолаверса, ўз иқтидорини намоён этишга имконият бера олиши билан характерлидир.

Кўчма ўқув зали мактабгача таълим муассасалари, маҳалла, дам олиш ва даволаш масканларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир, чунки, бу ердаги фойдаланувчиларнинг мутолаа билан шуғулланишлари учун етарли вақт ва имкониятлари кўпроқ. Кўчма ўқув зали фонди вақтли матбуот нашрлари, энциклопедик нашрлар, талаб даражаси юқори бўлган бадиий ва болалар адабиёти ҳамда илмий-оммабоп адабиётларни ўз ичига олади.

**Китоб элтувчи.** Хизматнинг бу тури асосан жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда йўлга қўйилади. Кутубхоначининг «Тарғиботчи китобхон»лари, фаоллар, кўнгилчилар ёрдамида хизмат худудидаги ногиронлар, кексалар, кўп фарзандли оилаларга кутубхона хизмати йўлга қўйилади. Китоб элтувчи турини амалга татбиқ этиш кутубхоначи томонидан хизмат худуди аҳолисини оилалари ўрганилган ҳолда ва аниқ режа асосида амалга оширилади. Фойдаланувчиларнинг ҳар сафар китоблар алмаштириш вақтида оила аъзолари ҳар бирининг талаб-истаклари ўрганилади ва шу асосда келгусида ахборот манбалари элтиб берилади.

Китоб элтувчилар белгиланган вақтлардаги ташрифлардан ташқари электрон почта, ва ижтимоий тармоқлардаги мессенжерлар орқали ўз китобхоналаридан олинган буюртмаларни ҳам тезкорлик билан бажариш йўлга қўйилган.

**Библиобус хизмати.** Бу хизмат тури ёрда-

**Авазбек Кулдашев, директор информационно-ресурсного центра Андижанской области.**

*Автор статьи рассказывает о нестационарных видах библиотечной деятельности, которыми пользуются библиотека и читальные залы, где мобильным способом ресурсы перемещаются к пользователям. Мобильная библиотека организована в сотрудничестве с общественностью и организациями, расположенными в зоне обслуживания библиотеки, кроме этого также обслуживаются читатели из отдаленных районов. Также удобным способом обслуживания является Библиобус, который необходим для распространения изданий и информации для отдаленных пользователей. При этом каждой организации надо предусмотреть возможность подготовки общественных библиотечек и вовлечь их к обслуживанию читателей. Это работа является необходимой для ведения учета использованной литературы, а также изучает спрос населения. Кроме этого мобильную библиотеку можно активно использовать для лиц с ограниченными возможностями, где для них организуется доставка литературы к месту их проживания. ■*



мида марказдан йироқда жойлашган аҳоли пунктлари, ташкилот, муассаса, фермер хўжаликлари ва бошқаларга махсус жиҳозланган автотранспорт воситаларида бориб ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш амалга оширилади.

Библиобус хизмати ўзига хос қулайликка эга бўлиб, нисбатан қисқа вақт мобайнида жойдан-жойга кўчиб, бир неча объектларда ахборот хизмати кўрсата олиш имкониятига эга. Айниқса, болаларни ёзги оромгоҳларда дам олиш, соғломлаштириш даврларида анча қулай хизмат шаклига айланади.

Мисол учун ушбу йилнинг бошидан Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда вилоятнинг 4 та шаҳар ва 14 та туманларининг ҳар бирида 2 тадан марказдан йироқда жойлашган аҳоли яшаш жойларида «Библиобус бекатлари» ташкил этилди. Жадвал бўйича 36 та бекатлардан ҳар бирида ойда 2 марта хизмат кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг ностационар шакли фойдаланувчиларга энг мақбул ва қулайдир, чунки, кутубхонага ташриф учун ҳоҳиш билан бирга имкон вақт ҳам бўлиши керак.

Кўчма ўқув зали мактабгача таълим муассасалари, маҳалла, дам олиш ва даволаш масканларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир, чунки, бу ердаги фойдаланувчиларнинг мутолаа билан шуғулланишлари учун етарли вақт ва имкониятлари нисбатан кўпроқ

Библиобус хизмати ўзига хос қулайликка эга бўлиб, нисбатан қисқа вақт мобайнида жойдан-жойга кўчиб, бир неча объектларда ахборот хизмати кўрсата олиш имкониятига эга

# КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИК – ИНСОН МАЪНАВИЯТИ КЎЗГУСИ

(Вилоят АКМ мутахассисларининг аҳолини китоб мутолаасига жалб қилиш бўйича фикрлари асосида тайёрланди)



Ёшларини китоб мутолаасига қизиқтириш учун қандай янги усуллардан фойдаланиш мумкин? Шу ўринда бу каби даврнинг долзарб саволларига бир неча йиллик тажрибага эга бўлган кутубхоначиларимизнинг фикрларига эътибор қаратишни лозим топдик

**Б**угунги глобаллашув даврида ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш, шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш каби масалалар долзарб ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади. Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббусларнинг тўртинчиси ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Шундай экан, бугунги кунда китоб мутолааси китобхонликни ривожлантириш борасида турли мазмундаги тадбирлар, китоб кўргазмалари ташкил этиб келинмоқда. Аммо ҳозирги давр ёшларини китоб мутолаасига қизиқтириш учун қандай янги усуллардан фойдаланиш мумкин? Шу ўринда бу каби даврнинг долзарб саволларига бир неча йиллик тажрибага эга бўлган кутубхоначиларимизнинг фикрларига эътибор қаратишни лозим топдик.

– Ёшлар, асосан, нималарга қизиқади, албатта, қизиқарли ўйинларга, китоб мутолааси бўйича телевидение, радио орқали турли асарлар юзасидан 1-4 синф ўқувчилари ўртасида ўзлари ўқиган китоблар асосида «Китобсевар болажон», ёш китобхонлар ўртасида 10-20 тагача адиллар яширинган катаклар асосида номерлаб белгиланадиган «Илмга барака» каби танловларни ўтказиш орқали ёшларимизда китобга бўлган меҳрни шакллантириб боришимиз мумкин.

Китобхонлар ҳар бир айтган номери остида яширинган адиб ҳақида 10 тадан кам бўлмаган маълумот айтса ўша адибнинг асарига

эга бўладилар. «Китоб лото» бу ток-шоуда 10-15 тадан кам бўлмаган асарлар яширинган тўртбурчак яшиқнинг ичида рангли шарчалар асосида олиб борилади. Китобхонлар ўзларига маъқул келган шарчаларни танлаб олиб, ичида яширинган асар ҳақида маълумотлар беришади. Китобхонлар берган маълумотларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боришади. Фаол қатнашган китобхонлар рағбатлантириб борилади.

«Китоблар чархпалаги» номли китобхонлик ўйинида айланага тўртбурчак шаклидаги карточкалар жойлаштириб чиқилади. Карточкалар остида асарлар, асарлар остида совғалар яширинган бўлади. Китобхонлар томонидан айлана барабани айлантирилади ҳамда барабан кўрсаткичи қаерда тўхтаса, ўша ердаги карточка олиниб унинг ортидаги яширин асар ҳақида китобхон томонидан етарлича маълумот берилса, асар ортидаги сирли совғани олиш имкониятига эга бўлади.

«Китоблар оламига қизиқарли саёҳат» китобхонлик ўйинида кутубхонанинг алоҳида битта хонасининг деворлари, эшик, дераза ромларини ҳам ҳар хил адабиётлар ҳамда адабиёт қаҳрамонлари суратлари билан безатган холда тақдим этилади.

Ушбу хонада китобхонлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, китобхон ушбу хонадан фойдаланиши учун кичкина синовлардан ўтиши керак бўлади, яъни хонага киришдан олдин соддароқ тарзда китобхонлик бўйича тузилган саволга жавоб беради. Агар саволга тўғри жавоб берса ушбу хонадан фойдаланишга ҳамда ўзига керакли маълумотларни олишга эга бўлади. Шу тарзда ушбу хонада жамланган китобхонлар асосида жамоа тузилади. Жамоалар ўзаро беллашиб, ушбу хонанинг янада кўпроқ имкониятларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади – дейди, *Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона маркази илмий-*

услугият бўлими мудираси Нилуфар Жабборова.

– Китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнларида етакчи хорижий давлатлар тажрибаларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, АҚШда китоб мутолаасига аҳолини қизиқтириш сиёсати XX асрнинг 50-йилларидан бошланган. Бу вазифа юзасидан мамлакатда 1972 йилда Конгрес кутубхонаси қошида Миллий китоб кўмитаси ташкил этилади. Кўмита ўзига керакли маблағни мамлакатнинг ички ва ташқи ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш натижасида топишга ҳаракат қилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, унда амалга ошириладиган дастурларнинг молиявий таъминотига ҳукумат айтирли оз миқдорда маблағ ажратиб, таъминот асосан алоҳида шахслар ва жамоат ташаббусига юклатилган. Мамлакатда мутолаа ва кутубхоналар ишини ривожлантириш мақсадида ҳар йили «Адабиёт ҳақидаги мактуб» номли дастур ўтказилади. Унда 46 мингдан зиёд 4-7-синф ўқувчилари қатнашиб, машҳур ёзувчиларга ўз мактубларини йўллашади. Бу мактубларда болалар ўзлари ўқиган китоб ҳақидаги таассуротларини билдиришади. Бу китоб уларнинг ҳаётига қандай таъсир ўтказди, нимага ўргатди ва китоб қахрамонларига бўлган муносабатлари ҳақида мулоҳаза юриштишади. Энг яхши мактуб учун танлов уч босқичда ўтказилади. Аввал ҳар бир штатда, сўнг улардан 6 та ғолиб танлаб олинади. 6 та ғолиб «Китоб фестивали»га таклиф қилинади. Бу ерда якуний ғолиб аниқланади. Фестивалнинг молиявий таъминотини хусусий фирмалар ўз зиммасига олганлар.

Китоб мутолаасини ривожлантириш бўйича яна, 7-8 ёшли болалар ўртасида ўтказиладиган «Info Books» лойиҳаси мавжуд бўлиб, ўқилган китоб муҳокамаси интернет орқали амалга оширилади. Бунда бир вақтнинг ўзида бир неча китобхон китоб ҳақида ўз фикрини билдириши, баҳс-мунозарада иштирок этиши мумкин бўлади.

Буюк Британияда эса, аҳолини китоб мутолаасига қизиқтириш фаолиятида оммавий кутубхоналар пойдевор вазифасини бажаради. Бу мамлакатда оилавий ва болалар китоб ўқишига алоҳида эътибор билан қаралади. 2000 йилда кутубхоналар томонидан «Ёзги мутолаа даври», «Китоб-старт», «Оила даврасида ўқиш» каби дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурлар болалар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланади. Масалан, «Китоб старт» («Book start») дастури болани илк ёш-



дан китобга қизиқтириш мақсадини ўз олдига қўяди. Буюк Британияда ҳар бир 3 ёшга тўлган болага «китоблар солинган портфель» совға қилинади. Унда қизиқарли китоблар ва маълумот нашрлар бўлиб, 3 ёшли болани китобга қизиқтириш, китоб ўқишга жалб этиш вазифасини ўз олдига қўяди. Бу портфель болаларга ҳомийлар томонидан совға сифатида тақдим этилади.

«Ёзги мутолаа даври» дастурига мувофиқ, ёзги таътил даврида ҳар бир ўспирин камида 6 та китоб ўқиб чиқиб, сайт рўйхатидан ўтиши керак, сўнг сайтда тенгқурлари билан китоб сюжети ҳақида суҳбатлашади, сюжет билан боғлиқ ўйинда иштирок этади.

2001 йилдан «Китоб ҳақидаги суҳбатлар» («Chatter bokс») клуби ташкил этилиб, унинг фаолияти ҳам болаларда китоб ўқиш кўникмасини шакллантиришга қаратилади. Бу клуб ишини кутубхоналар, ўқитувчилар, китоб ихлосмандлари, кўнгилчилар бошқаради. Унда асосан 4-12 ёшдаги болалар билан иш олиб борилади. Клуб нашриётлар, ёзувчилар билан ҳамкорлик қилади. Шундай қилиб, Буюк Британияда ҳам китоб мутолаасини ривожлантириш давлат дастури бўлиб, унда асосий ўрин кутубхоналарга ажратилган.

2002 йилда Японияда мактаб ўқувчилари билим даражасини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилади. Тадқиқот натижаларидан 15 ёшли ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳият даражаси анча сустлашиб кетгани маълум бўлади. Шу сабабли Япония ҳукумати томонидан тез орада кутубхоналар ишини кўриб чиқиш, кутубхоналарда бутланишни яхшилаш ва кутубхона жиҳозларини янгилаш тадбирлари кўриб чиқилади. Шунингдек, мамлакатда кутубхоначилик иш тажрибаси ва хорижий давлатларнинг иш тажрибаси ўрганилиб, илғор тажрибаларни мамлакат кутубхоналарига жорий этиш вазифаси белгиланади. Шу йили Японияда болаларнинг китоб мутолаасини ривожлантиришга бағиш-

Мамлакатда мутолаа ва кутубхоналар ишини ривожлантириш мақсадида ҳар йили «Адабиёт ҳақидаги мактуб» номли дастур ўтказилади. Унда 46 мингдан зиёд 4-7-синф ўқувчилари қатнашиб, машҳур ёзувчиларга ўз мактубларини йўллашади. Бу мактубларда болалар ўзлари ўқиган китоб ҳақидаги таассуротларини билдиришади

Немис тадқиқодчиларининг фикрига кўра, сўнгги йилларда ота-оналар томонидан ўз фарзандларига китоб ўқиб бериш ҳолати тобора камайиб бормоқда. Шу мақсадда, болаларга овозли ўқишлар ташкил этиш дастури ишлаб чиқилган

ланган бир неча тадбирлар уюштирилади. Шулардан бири, 2 мингга яқин мактабларда дарс жадвалига кўра дарс бошланишидан олдин севимли китобдан парчалар ўқиш таклиф этилган. Шунингдек, инглиз дастури Bookstart намунасига кўра ёш ота-оналарга фарзандларига илк ёшдан китоб мутолаасига ўргатишлари учун китоблар тарқатиш компанияси бошланади – дейди – Тошкент шаҳар «Bilim» АКМ илмий-услугият бўлими мудири Шохида Очилова.

Бу каби ҳолатни Швецияда ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ҳам китоб мутолаасини ривожлантириш масаласи билан давлат шугулланади. Швед ҳукумати китоб мутолаасини ривожлантиришга катта миқдорда ресурсларни ажратади. Китоб мутолаасини ривожлантиришга мўлжалланган турли тадбирларни ташкил этилиш масаласи билан шугулланади. Масалан, А.Лингрет номи билан машҳур бўлган Швецияда 2002 йили унинг номи билан мукофот таъсис этилган бўлиб, ҳозир унинг миқдори 5 миллион швед кронини ташкил этади. Бу маблағ ҳам китоб нашр қилиш, китоб тарғиботи учун сарф қилинади. Бундан ташқари Швецияда 6-7 ёшдаги болаларга мўлжалланган китобларнинг каталоги нашрдан чиқарилади. Масалан, 2004 йилда шу йили чоп этилган барча китобларни ўзида жамлаган каталог нашрдан чиқади. У, асосан, ёш болаларга мўлжалланган бўлиб, унга жуда кўп иллюстрация ва аннотациялар киритилган. Бу каталог мактаблар ва кутубхоналарга текинга бериледи.

Швеция кутубхоначилари халқаро тажрибаларга кўп мурожаат қилган ҳолда, Голландия кутубхоналаридан ўрнак олиб, «Китоб жюри» ташаббусини жорий этдилар. Бунга кўра болалар шу йили нашр этилган китоблардан энг яхшисини танлаб оладилар ва нима учун уни «якши» деб танлаганларини асослаб берадилар.

Германиянинг Майнцед шаҳрида 1988 йилда Мутолаа фонди ташкил этилган. Ҳомийлар уни маблағ билан тахминан 90 фоиз таъминлайдилар. Шунингдек, Мутолаа фонди ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун турли ташкилотлар, нашриётлар, журнал таҳририятлари, турли жамоат ташкилотлари, касаба уюшмаларини жалб этади. Унинг лойиҳалари бутун Германия ҳудудини қамрам олган. Фонднинг асосий мақсади болалар мутолаасини қўллаб-қуватлашдир.

Немис тадқиқодчиларининг фикрига кўра, сўнгги йилларда ота-оналар томонидан ўз фарзандларига китоб ўқиб бериш ҳолати тобора камайиб бормоқда. Шу мақсадда, болаларга овозли ўқишлар ташкил этиш дастури ишлаб чиқилган. Фонд ташаббуси билан «Die Zeit» ҳафталик газетаси билан ҳамкорликда «Овоз чиқариб – ҳар ерда ва ҳар қачон мутолаа қиламиз» номли дастур ишлаб чиқилади. Фонд ўз ишига 6 минг кўнгиллини жалб этиб, болалар боғчасида, мактаб ва бошқа болалар масканларида овозли ўқишлар уюштиридилар. Масалан, сув ҳавзалари билан боғлиқ бадий ва илмий-оммабоп китобларни овоз чиқариб ўқиш тадбирлари ўтказилган.

Бухоро вилояти АКМ Илмий-услугий бўлими бош кутубхоначиси Сарвара Қодирова - кутубхона инфратузилмасини замон ва китобхон талабига мослаштириш, яъни ўқиш ва дам олиш хоналари эстетик талабларга жавоб берадиган даражага келтириш, чой, қаҳва, ширинликлар билан озиқланиш хонаси ҳамда маиший хоналар ажратиш, оммавий китобхонлик стратегиясини яратиш ва доимий такомиллаштириш, ёш китобхонлар билан ишлаш илмий методик, педагогик-психологик тизимини ривожлантириш, китоб нашр этиш саноатини ривожлантириш (нашр сифати, китоб муқоваси, қоғоз сифати китобхонни жалб қиладиган даражада ва молиявий қаноатлантиришига эътибор бериш), чоп этиладиган китоб ва журналларнинг мазмунини кучайтириш, замон ва талабга жавоб беришини назорат қилишни йўлга қўйиш, болалар ва ўсмирлар китобхонлигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, умумтаълим мактабларида синфига қараб мустақил ўқилиши зарур ва ихтиёрий муҳим адабиётларни киритилиши ва уларни ўқишни назорат қилиш (балким китобхонлик савиясини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиб, уни баҳолашни йўлга қўйиш керакдир), болалар ва ўсмирлар китобхонлигини оммалаштиришда ўсмирлар образининг долзарб мавзуларини ўз миллий қадрият-



ларимизга хос тарзда бадиий ифода этиш муҳимлиги, адибларнинг ушбу муаммога эътиборларини кучайтириш, оммавий китобхонлик кечаларини доимий равишда адабиёт, фан, санъат ходимлари билан учрашувлар ташкил қилиш, китоблар рекламасини ривожлантириш каби масалаларга эътиборни қаратишимиз лозимлигини таъкидлайди.

– Бугунги кунда бола тарбиясида китобнинг роли ҳақида «Болангиз билан бирга ишланг», «Болани меҳнатга ўргатиш», «Маънавият ўзи нима?» каби мавзуларда АКМ мутахассислари томонидан видеомаслаҳатлар тайёрланган ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилмоқда. Шунингдек, «Кутубхона менинг ҳаётимда» #kutubxonameninghayotimда лойиҳасида АКМнинг хорижий тиллар клубида тайёргарликдан ўтиб, дунёдаги нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга кирган фойдаланувчиларнинг ўз тенгдошларини кутубхонага, китобхонликка чорловчи фикрлари намойиш этилади. Китобларнинг аудио ва видео вариантини яратиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш бўйича «Эпизод» ҳамда «Аудиоҳикоя» лойиҳалари амалда қўлланилмоқда.

«Ўқишни тавсия этамиз» лойиҳасида АКМдаги адабиётлар ҳақида маълумотларни ўзбек, рус, инглиз тилларида тарғиб қилинмоқда. Китобхонлар орасида китоб тарғиботи ва китоб ўқиш самарадорлигини ошириш мақсадида Мигел де Сервантеснинг «Дон Кихот», Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат Дилбарим», Александр Пушкиннинг «Капитан қизи», Ден Брауннинг «Давинчи сири», Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарларининг буктрейлерлари яратилди ва АКМнинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида жойлаштирилди. Фарғонада етишиб чиққан буюк алломалар, давлат ва жамоат арбоблари, олимларнинг ҳаёти, илмий, ижодий ишлари, давлат ва жамият ривожини йўлида амалга оширган ибратли фаолияти ҳақида ижтимоий тармоқларда #buyukyurtfarzandlari ҳештеги остида лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, виртуал кутубхонадан фойдаланувчилар ўз смартфонлари орқали китобларнинг электрон нусхасини QR-код орқали бепул юклаб олиши мумкин, дейди – *Фарғона вилояти АКМ Илмий методика бўлими кутубхоначиси Мухайё Рустамова.*

– Вилоят ахборот-кутубхона марказининг Телеграм мессенжерига «Birga kitob o'qiyimiz» деб номланган саҳифа мавжуд бўлиб, у ерда 500 дан ортиқ энг оммабоп адабиётларнинг

электрон нусхалари жойланган. Шунингдек, «Birga kitob o'qiyimiz» аудио канали ҳам фаолият олиб бормоқда. Унда 1200 га яқин бадиий адабиётларнинг аудио шакллари жойлаштирилган. Шулар қаторида Facebook, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари учун ҳам китоб мутолааси фаол тарғиб қилинади – дейди, *Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази Илмий методика бўлими етакчи кутубхоначиси Шухрат Маткаримов.*

Ҳозирги кунда интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Шу ҳолни инобатга олган ҳолда юртимиздаги барча ахборот-кутубхона марказлари ўзларида мавжуд бўлган фондларни электрон шаклга ўтказиш, шу орқали аҳолига масофадан туриб ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатишни кенгайтиришга катта эътибор қаратсалар бу ҳам инновацион ёндашув сифатида юксак баҳоланган бўларди.

Энг муҳими китобхонлик маданиятини оширишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолганлигини ҳисобга олиб ижтимоий тармоқларда қатор саҳифаларни юриштириш ташкил этиш ҳам яхши натижалар берган бўларди.

Яна бир оғриқли масала борки бу юртимизда китоб дўконлари тармоғининг тизимли шаклланмаганлигидир. АКМ мутахассислари томонидан ўтказилган сўровномалар натижасига эътибор берсак, «Сиз истиқомат қилаётган ҳудудда китоб дўконлари етарлича деб ҳисоблайсизми?» деган саволга респондентларнинг фақат 9,2 фоизигина «Ҳа», деб, 90 фоизи эса «Йўқ» жавоб берганлар. Бу жавобларнинг ўзи маҳаллий ҳокимликлар учун жиддий эътироз сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Энг асосийси, «Нега одамлар кутубхонага кам келяпти?» деган саволга жавоб берувчиларнинг 50,2 фоизи «Янги бадиий адабиётлар камлиги, кутубхона фондларининг эскилиги», деб жавоб берганлиги мамлакатимизда бугунги кунда кутубхона фондларини янги адабиётлар билан бойитиш, фондларни янгилаш энг долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ҳар бир давлат ва жамиятнинг маданиятлилик даражаси ва билимга интилишлари, албатта, китоб ва китобхонликка бўлган муносабати билан баҳоланади.

*Даврон Мансуров тайёрлади ■*

Бугунги кунда бола тарбиясида китобнинг роли ҳақида «Болангиз билан бирга ишланг», «Болани меҳнатга ўргатиш», «Маънавият ўзи нима?» каби мавзуларда АКМ мутахассислари томонидан видеомаслаҳатлар тайёрланган ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилмоқда

Юртимиздаги барча ахборот-кутубхона марказлари ўзларида мавжуд бўлган фондларни электрон шаклга ўтказиш, шу орқали аҳолига масофадан туриб ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатишни кенгайтиришга катта эътибор қаратсалар бу ҳам инновацион ёндашув сифатида юксак баҳоланган

# АЛЕКСАНДРИЯ ОКСИАНСКАЯ: АЙ-ХАНУМ, СТАРЫЙ ТЕРМЕЗ ИЛИ КАМПЫРТЕПА?



**Эдвард Ртвеладзе,**  
ученый археолог,  
академик  
Академии наук  
Узбекистана,  
доктор  
исторических  
наук, профессор

Вопрос о локализации Александрии Оксианской уже давно обсуждается в исторической науке. Сейчас для его решения привлекаются археологические данные, полученные во второй половине XX – начале XXI вв. при исследовании городищ Ай-Ханум, Старый Термез и Кампыртепа

The article tells about the archaeological discoveries of the cities that are located between the two rivers of Amudarya and Syrdarya where are Bactria and Sogdiana on the ethnographic grounds of these states. Sources according to the location of Alexandria of Oxiana in relation to Osu were quite accurate in determining medieval European cartographers. The author expressed his opinion about the localization of Alexandria of Oxiana on the site of Kampirtepa back in the early 2000s, although at that time there was still very little archaeological data confirming this thesis. Nowadays they are revealed much more - this is primarily the size of the port city at this time, stretching along the Oks from west to east by more than 400 m, as well as a developed urban structure. In all probability, this is the legendary Alexandria

**Ключевые слова:** Бактрии и Согдиане, Окс, Александрия Оксианская, Ай-Ханум, Старый Термез и Кампыртепа, археологических данных, Птоломей, город Харахарт.

» **А**лександрию Оксианскую из античных авторов упоминает только Клавдий Птоломей (II в.н.э.). В своем «Географическом руководстве» он приводит обширный свод географических и этнографических данных о Бактрии и Согдиане, в частности, перечень городов, расположенных по Оксу, а также между Оксом (Амударьей) и Яксартом (Сырдарьей) (Ptol. Geogr. VI. 10-12). В отношении последних Птоломей в частности писал: «На Яксарте расположены горный город согдианов Кирэсхате, а на Оксе – Марука, Холбисина; между реками и далеко за ними – Трибактра, Александрия Оксианская, Индикомордана, Дрепса – столица, Александрия Крайняя» (Ptol. Geogr. VI. 12. 5-6). Однако подобное местоположение Александрии Оксианской, по справедливому замечанию П. Бернара, никак не согласуется с названием города по реке Окс, поскольку города, названные по рекам, располагаются, как правило, непосредственно на их берегах. С этим заключением был полностью согласен и Г.А. Кошеленко.

Расположение Александрии Оксианской по отношению к Оксу достаточно точно определяли средневековые европейские картографы. Так, на картах Птолемея (1480, 1490, 1540 гг. изданий), Александрия Оксианская

помещена на правом, северном берегу Окса (Амударьи). На карте С. Мюнстера 1540 г. издания, считающейся наиболее точной в сравнении с картами предшествующих изданий, Александрия Оксианская также помещена на северном берегу реки. Причем здесь она обозначена значком в виде крепости со стенами (рис. 42). Таким же значком на этой карте отмечена еще только Бактра.

Вопрос о локализации Александрии Оксианской уже давно обсуждается в исторической науке. Сейчас для его решения привлекаются археологические данные, полученные во второй половине XX – начале XXI вв. при исследовании городищ Ай-Ханум, Старый Термез и Кампыртепа. В результате этих исследований были высказаны три мнения относительно данной локализации.

## АЛЕКСАНДРИЯ ОКСИАНСКАЯ – ГОРОДИЩЕ АЙ-ХАНУМ

5. Туркий тилда ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарларни ўрганишни рағбатлантириш ҳамда бу соҳада мутахассислар тайёрлашни тизимли йўлга солиш мақсадида халқаро жамғарма ташкил этиш.

7. Туркий тилда ёзилган қўлёзма ва тошбосма манбаларни тарғиб этишга бағишланган махсус электрон сайт ва қўлёзма манбаларнинг онлайн-электрон каталоги бўлган рақамлаштирилган халқаро кутубхона ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### Адабиётлар:

1. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/yusuf-xos-hojib/>
2. Мадвалиев А. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1091-maqola.html>
3. Носиров А. Асрлар яшаган ноёб китоблар // «Шарқ юлдузи» журнали, 1983 йил 3-сон.
4. <https://ziyouz.uz/matbuot/sovet-matbuoti/abdulla-nosirov-asrlar-yashagan-noyob-kitoblar-1983/>
5. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва: Товарищество «Клышников – Комаров и К<sup>о</sup>», 1993.

**Бахтиёр Тураев, советник директора Международного научно исследовательского центра Имама Бухари, доктор философских наук, профессор.**

В статье автор затрагивает вопросы изучения культурного духовного, рукописного наследия тюркских народов. Общеизвестно, что тюркские народы внесли большой вклад в историю развития человеческой цивилизации. Во многих библиотеках мира и в нашей страны хранятся рукописи, написанные на тюркских языках (с арабской графикой) и эти произведения ждут своих читателей (исследователей) для пользования. На сегодняшний день в Институте востоковедения АН Узбекистана хранится более 74 тысяч (74 000) уникальных рукописных и литографических изданий и среди них очень многие работы написаны на тюркских языках. Тематика этих книг разнообразна, они посвящены области теологии, медицины, естествознанию, химии, биологии, архитектуре, математике, геометрии, истории и философии. В будущем, все эти уникальные рукописные наследия в оцифрованном виде копируются с помощью современной информационной технологий, и их можно будет распространять для широкой аудитории пользователей. ■

# «САДОИ ФАРҒОНА» ГАЗЕТАСИ – ЎЛКА ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ҲОДИСА СИФАТИДА



**Х**удди алоҳида шахслар каби миллат ҳам ойнага эҳтиёж сезади. Зеро, ўзидаги кабоҳату латофатни фақат ойнадагина кўриб тузатиш имконига эга бўлади. Инсон болаларини ғафлат уйқусидан уйғотмоқ учун кучли даъват керак бўлгани сингари, миллатни жаҳолат гирдобидан халос этмоқ учун ҳам жонбахш садо зарур бўлади. Ўтган аср аввалида матбуот ана шундай ойна ва садо вазифасини ўтади. Жадид матбуоти нашрлари орасида, бу жиҳатдан, «Садои Фарғона»нинг тугган ўрни алоҳида.

Ўтган аср бошларида ўлкамиз тарихида улкан ўзгаришлар бўлди. Жамиятнинг турли жабҳаларида зиёли кишиларимиз таъсири яққол сезилди. Туркистон тараққийпарварлари фаолияти ҳақида гапирилганда жадидлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Улар жамиятни қолоқликдан олиб чиқиш, бошқа мамлакатлар сингари тараққий этиши учун ҳаракат қилишди.

Мустамлака шароитида ҳам ишбилармон, тадбиркор, Ватан ва миллат фидойиси бўлган кишилар етишиб чиқдилар. Халқ фаровонлигининг ошиши, мамлакатда ободончилик ишларининг амалга оширилиши, маориф ва маданият соҳасидаги ютуқларда ўлкада фаолият юритган бойларнинг таъсири бор, албатта. Ана шундай саҳоватли, ҳозирги давр тили билан айтганда тараққийпарвар тадбиркорлардан бири Фарғона диёридан етишиб чиққан Обиджон Маҳмудовдир. У Туркистоннинг йирик сармоядорларидан эди. Обиджон Маҳмудовнинг таваллуд санаси манбаларда турлича кўрсатилган. Давлат ва жамият бошқарув академияси томонидан нашр этилган «Унутилмас сиймолар» альбом-буклетига, шунингдек, Фарғона водийси газеталарида чоп этилган мақолаларда Обиджон Маҳмудовнинг туғилган санаси 1858 йил, деб қайд этилган. Аммо Обиджон Маҳмудов-

нинг 1926 йил 7 апрель куни ҳибсга олиниши муносабати билан тўлдирилган анкетада унинг туғилган санаси 1871 йил, деб кўрсатилган. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг О.Маҳмудовга бағишланган мақола-сига ҳам худди шу сана асос қилиб олинган. 1928 йили ички ва болалар касалликлари бўйича доктор Г.Х.Шахарович имзолаган маълумотномада ҳам: «Дана сия гр-ну Махмудову Абиджану, 71 года, в том...» сўзлари ёзилганки, бу унинг 1871 йили дунёга келганини тасдиқловчи яна бир ҳужжатдир.

Обиджон Маҳмудов ишбилармон саноatchи, тадбиркор инсон эди. У 1906 йил Қўқон шаҳрида ташкил топган савдо-саноат биржа жамиятининг аъзоси бўлган. У ўзининг тижорат ишлари билан Россиянинг марказий ҳудудлари, Волгабўйи ва Кавказда бир неча бор бўлади. У ерлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, маданияти, қарашлари билан танишади. У миллий сармояни тежаш, миллатнинг равнақига хизмат қиладиган иқтисодий-маданий, маърифий соҳаларни вужудга келтириш, замонавий асосга қурилган хунармандчиликни ривожлантириш каби масалаларга асосий эътиборни қаратади. Шу мақсадларни амалга оширишга бутун куч ва ғайратини сарф этади. Тадбиркорлик ишлари кундан-кунга гуркираб бораётган Обиджон Маҳмудов Россиядан тегишли босма дастгоҳларини сотиб олиб, Қўқонда босмаҳона ташкил қилади ҳамда 1914 йил 3 апрелдан эътиборан Фарғона водийсидаги биринчи миллий нашр – «Садои Фарғона» газетасини чиқара бошлайди (панжшанба 22 жумодил-аввал 1332, 1914 йил 3 апрель пайшанба). Бу улуг тарихий воқеа эди. Боқанда чиққан «Янги иқбол» газетасидаги мақолаларнинг бирида Чўлпон «Садои Фарғона» ҳақида шундай деб хабар берган: «...1914 йил сана апрел ойи биз, туркистонликлар, учун бир «миллий байрам»▶



**Гўзал Қодирова,**  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик йўналиши 2 курс магистранти

«... 1914 йил сана апрел ойи биз, туркистонликлар, учун бир «миллий байрам» дейинилмаға лойиқ бир ой эди. Чунки, апрелнинг 2 ёки 3-инда Хўқанд тужжорлариндан муҳтарам Обиджон афанди Махмудоф ҳиммати ила «Садои Фарғона» исминда ҳафтада 2 дафъа нашр қилинур бир ғазита чиқа бошлади

дейинил-маға лойиқ бир ой эди. Чунки, апрелнинг 2 ёки 3-инда Хўқанд тужжорлариндан муҳтарам Обиджон афанди Махмудоф ҳиммати ила «Садои Фарғона» исминда ҳафтада 2 дафъа нашр қилинур бир ғазита чиқа бошлади. Бутун Туркистон бу ғазитани буюк бир шодлиқ ва суюнч ила қорши олдилар». Бу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтишни жоиз деб биламиз. Чўлпоннинг 1914 йили нашр этилган «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясининг бош қаҳрамонига прототип сифатида Обиджон Махмудов тасвирлаган.


Газетанинг биринчи сони эсдалик тариқасида шоҳи матоларга чоп этилган. Ушбу қимматли манба бугунги кунда ҳам Қўқон маданияти тарихи давлат музейида сақланмоқда (Қўқон маданияти тарихи давлат музейида 1914 йилда тадбиркор Обиджон Махмудов илк бор ташкил этган босмаҳонада Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида чоп этилган «Садои Фарғона» газетаси сақланаётир. Газета Марғилон шаҳрида махсус нафис ипакдан тўқилган оқ, ҳарир шоҳига босилган биринчи сонидир. Қимматбаҳо экспонат орадан 114 йил ўтган бўлса-да, ёрқинлигини йўқотмаган. «Садои Фарғона»нинг шу кунгача сақланиб қолган сонларини варақлар экансиз, XX аср бошидаги сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муҳит ва зиёлилар маънавияти, нуқтаи назари ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Газетанинг илк сони тарихчи олимларнинг таъкидлашича, 100 та оқ шоҳи мато ва 1500–1700 та қоғозга босиб тарқатилган.)

Ушбу газета таъсисчилари барчани майдонга чорлаб баралла: «Дардимиз бир, каса-

лимиз ҳам бир, даво ва дармонимиз ҳам бирдир. Бас ондоғ бўлса, эй ҳимматлик биродарлар! Чиқинглар майдонга, ёзайлук, ўқуйлук. Чунки дардларимизнинг давои шифоси ёлғиз ўқумоқ ва ёзмоқдур. Такрор дейманки, биродарлар! Ёзайлук! Ўқуйлук!», – дея ватандошларини илм олишга, бошқаларга ҳам маърифат тарқатишга даъват этади. Чунки зиёлиларимиз миллат тараққий этиши учун биринчи чора нимада эканлигини ўз вақтида англаб етганлар ва бошқаларни ҳам бир мақсад ва маслак йўлида бирлаштиришга интиланлар.

«Садои Фарғона» газетасининг 2-сонида О.Махмудовнинг «Газета надур, на учун лозим?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Бу мақола орқали муаллиф ватандошлари онгида газета тушунчаси ҳақида етарлича маълумотлар бериб ўтган: «Биз, туркистонликлар учун энг аввал газетанинг нима эканлигини билмоқ нечукки, ҳар нарсани яхшилаб тушунмагунча, албатта, унга яхши кўз билан қарамас. Биз ҳам ибтидои бир ҳолатдалигимиз учун хануз не эканлигини англаб етганимиз йўқ. Бунинг учун газетанинг нима эканлигини бир оз тушунтирмоққа бошладик. Газета бутун дунёдаги маданий миллатларнинг тирикчилик йўллари, оламдаги даражалари ва ҳам олам инсониятининг тараққий олиси учун лозим бўлгон саъй ва ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан ... афкор (маслаҳатлашмоқ, кенгашмоқ) учун лозим бўлгон бир воситадур. Маълумдурки, одамизод бошқа ҳайвонлардин ёлғиз нутқлари (сўзлашмоқлари, ақл ва заковатлари билан айрилгандурлар, нечукки бошқа ҳайвонлар ҳам одамларга ўхшаш юрурлар, ичурлар, ухларлар, туғилур ва туғдирурлар, фақат сўзлашмоқ шарофати аларда йўқдур ва ҳам одамларнинг вақтлари ҳар қанча оз бўлса ҳам ақл ва заковати воқеамоқдадурлар. Одамизод ақлига келган ҳар бир ишни ўз бошича ва ёки ҳамжинслари бирла вужудга чиқармоққа қодирдур...» Агар бутун миллатга фойдалиқ бир нарса бўлса аввали замон, бутун ер юзида бўлгон миллатларининг ҳар бирини олдига бориб келсинму? Ажабо! Бу мумкинму? Асло мумкин эмас. Бас, ул ҳолда ўшал одамнинг ақлига келган фойдалиқ ва зарур бўлгон фикридан фойдаланмоқдан маҳрум қолдирмоқ дурустму? Ва ёки бир илож қилиб ўшал фикрини бутун миллатиға билдирурмоқи керакму? Албатта, билдирмоқ керак. Бинобарин бу ишнинг энг биринчи чораси: газета воситаси билан билдирмоқликдур».

«Садои Фарғона» газетаси тез фурсатда



халқ орасида оммалашган, Туркистон аҳли, айниқса, водийликларнинг чексиз қувончларига сабаб бўлган. Буни газетанинг дастлабки сонларида эълон қилинган табрик шеърлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Газетанинг жами 123 та сони чиққан (1914 йил 3 апрель – 1915 йил 6 июнь). Ушбу газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек Обиджон Маҳмудовнинг Қўқон шаҳридаги босмахонасида Ашуралӣ Зоҳирий муҳаррирлигида ҳафтада 3 маротаба чоп этилган. Газетада асосан қуйидаги рункларни кўрамиз: «Идора хабарлари», «Идорага мактуб», «Идорадан жавоблар», «Эълонлар», «Хўқанд хабарлари», «Телеграф хабарлари», «Туркистон ва Фарғона хабарлари», «Доҳили хабарлар», «Абёт», «Хорижи хабарлар»... Шунингдек газета саҳифаларида турли мавзулардан ҳикоя қилувчи мақолалар, фелъетонлар, рекламалар, бошқа ўлкалар ва ўзимизда нашр этилувчи газета ва журналларга обуна ҳақидаги эълонлар ҳам ўрин олган.

«Садои Фарғона» саҳифаларида Лайли, МА.Аҳмадзода(Фаразин), Мулло Абдуллоҳбек Мусобек хожи ўғли, Мулло Ҳошим Ҳайратий бин Муҳаммад Саҳиҳ Маҳдум, Мулла Ғуллом Зафарий, Тавалло(Тўла Тошканди), Саид Аҳмад Васлий, Исҳоқжон Тўра Ибрат, Мирзожон Мирзо Аброр ўғли Камолоф, Нажмиддин Қори Самарқандий, Ш.М., Хамза Ҳақимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон каби шоирларнинг ижод маҳсули мунтазам бериб борилган. Ўқувчилар ўлка ижодкорлари, айниқса, водийлик ижодкорларнинг асарлари билан яқиндан танишишида «Садои Фарғона» газетаси муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Қувонарли жиҳати шундаки, ушбу газетанинг деярли барча сонлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-



нинг Қўлғезмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланиб келинмоқда.

Ушбу фонддан нафақат маҳаллий, балки Марказий Осиё мутахассислари ҳам фойдаланиб келишмоқда. Фондда сақланаётган юртимизда илк чоп этилган газета ва журналлар тадқиқотчилар томонидан қизиқиб ўрганилади. Ушбу фонддаги қимматли материалларнинг электрон нусхалари мавжудлиги фойдаланувчиларга тақдим этилиши манбаларни келгуси авлодларга ҳам етказиш, фойдаланиш жараёнида тадқиқотчиларга қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилган хайрли ишлардандир.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Б.Каримов. Янгилаштирилган соғинчи.Т.: «Адабиёт жамғармаси». 2004
2. Мақсад ва маслак.Садои Фарғона. - 1914. 3 апрел №1.
3. Туркистон мактуботи. Янги иқбол. - 1915. - 24 ноябрь
4. Ўтмишнинг ёрқин кўзгуси. <http://www.uza.uz/oz/society/tmishning-yer-in-k-z-gusi-11-09-2018>

Газетанинг жами 123 та сони чиққан (1914 йил 3 апрель – 1915 йил 6 июнь). Ушбу газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек Обиджон Маҳмудовнинг Қўқон шаҳридаги босмахонасида Ашуралӣ Зоҳирий муҳаррирлигида ҳафтада 3 маротаба чоп этилган

**Гузл Кадирова, магистрант 2 курса факультета литературного источниковедения Ташкентского Государственного университета узбекского языка и литературы.**

Автор статьи пишет о больших изменениях в истории нашей страны начала прошлого века, которые оказали большое влияние на интеллигенцию и на различные аспекты жизни общества. Когда речь идет о развитии Туркестанского края, стоит упомянуть об активном участии и деятельности джадидов, о том, как они стремились вывести общество из нищеты к процветанию, как другие развитые страны. Одним из предпринимчивых лиц того времени был Обиджон Махмудов. Он, благодаря своему новаторскому стремлению, в 1914 году покупает полиграфическое оборудование в России и устанавливает его в городе Коканде. И в этом же году, 3 апреля издается одна из первых ласточек в Ферганской долине, газета под названием «Садои Фарғона», которая в переводе означает «Голос Ферганы». Всего в течение года было издано 123 номера газеты. Она была разделена на несколько рубрик, которые освещали новости в Туркестанском крае, а также в зарубежных странах. ■

# «УМДАТУЛ-ҚОРИЙ» – «АЛ-ЖОМЕ АС-САҲИХ» ҲАДИСЛАР ТЎПЛАМИГА ЁЗИЛГАН МУҲИМ ШАРҲЛАР КИТОБИ



**Барот Амонов,**  
Имом Бухорий  
халқаро  
илмий-тадқиқот  
маркази  
илмий ходими

Бадриддин  
Айнийнинг  
«Умдатул-қорий»  
асарининг  
тошбосма  
нусхасининг айрим  
жузълари №39-57  
рақамлари  
остида  
сақланмоқда.  
804 саҳифадан  
иборат ушбу асар  
847 ҳижрий  
санада Мисрнинг  
Омирий  
нашриётида нашр  
қилинган

**И**сломида «Ҳадис илмининг султони» дея шуҳрат топган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Имом Бухорийнинг қаламига йигирма тўртга яқин, «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-муфрад», «Ат-Тарих ас-сағийр», «Ат-Тарих ал-авсот», «Ат-Тарих ал-кабир», «Китоб ал-илал», «Бирр ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» каби китоблар ислом дини тарихида ўчмас из қолдирган буюк муҳаддиснинг асарлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Буюк муҳаддиснинг асарлари ичида энг машҳур асари, шубҳасиз, «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»дир. Бу асарга 7563 ишончли ҳадислар киритилган бўлиб, «Саҳиҳ Бухорий» номи билан ҳам машҳур.

Ислом дини таълимотида Қуръони каримдан кейинги энг катта эътиборни Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоби қозongan. Ҳадисларнинг диққат билан танлангани, мукамал тартибга эга экани эътибор қозонишига сабаб бўлгандир. Шамсиддин Заҳабий «Тарихул-ислом» китобида қуйидагиларни ёзади: «Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»и Қуръондан кейинги энг улуғ ва афзал китобидир.

У кишининг «Саҳиҳул-Бухорий» китоби дунё мусулмон уламолари томонидан энг мўътабар ҳадислар тўплами сифатида эътироф этилган. Бу ҳадис тўплами уламолар орасида «кутуб тисъа» (тўққиз тўплам) деб юритилади. Ушбу китоблар ичида энг мўътабари, энг машҳури «Саҳиҳул Бухорий»дир.

Бошқа асарлар каби «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»га ҳам кўпдан-кўп шарҳлар битилган бўлиб, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган.

Имом Бухорийнинг шоҳ асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»га бағишланиб, араб тилида жуда

кўп шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган бўлиб, улар ҳажм ва аҳамияти жиҳатидан хилма-хилдир. Манбаларда келтирилишича, уларнинг сони юзга яқиндир. Бу борада тадқиқот олиб борган уламолар ва тадқиқотчилар ёзилган шарҳлар борасида турли фикрларни айтишган. Муҳаммад Исом Ҳусаний «Итҳафул-қорий би маърифати жухуд ва аъ-мал ал-улама ала саҳиҳил-буҳарий» асарида Имом Бухорийнинг «Саҳиҳул-Бухорий» асарига бағишлаб ўз замонасининг улуғ олимлари ва буюк муҳаддислар томонидан 100 дан зиёд мухтасар ва тўлиқ китоблар ёзилганлигини таъкидлайди.

«Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарига ҳанафий йўналишида ёзилган шарҳлар ичида энг машҳури «Умдатул-қорий фи шарҳ Саҳиҳул Бухорий» бўлиб, у Бадриддин Айний (1361–1451 й.)нинг қаламига мансубдир. Ҳадис илмига оид бу асар Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» китобига шарҳ бўлиб, унинг асосий ғояси умумбашарий ахлоқ-одобларни гўзаллаштиришга ва шу билан бирга тўрт мазҳабга тааллуқли, хусусан, ҳанафий мазҳабининг масалаларини насс (хужжат, аниқ далил) билан равшанлаштириб берилган.

- Бу китобнинг шарҳи учун дўстларимнинг жуда кўп қилган дуолари ҳам сабаб бўлди. Бадриддин Айний айтадилар: «Менинг ушбу китобимнинг санади Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳга икки йўл билан икки буюк муҳаддис олимлар орқали етиб боради».

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар хазинасида Бадриддин Айнийнинг «Умдатул-қорий» асарининг тошбосма нусхасининг айрим жузълари №39-57 рақамлари остида сақланмоқда. 804 саҳифадан иборат ушбу асар 847 ҳижрий санада Мисрнинг Омирий нашриётида нашр қилинган. Муаллифнинг ушбу асари китобларга, китоблар эса бобларга ажратиб берилган. Боблар эса асл матндаги тартиб билан кет-

ма-кетликда шарҳлаб берилган. Бу асарни муаллиф ўзига хос услуб билан шарҳлаб берганки, ўқувчи ҳеч адашмасдан матн ва шарҳни бир қарашда фарқлай олади. Матн «Сод» ҳарфи билан келтирилган бўлса, шарҳ «Шин» ҳарфи билан баён этилган.

Асар «Гуслдан олдин таҳорат олиш боби»дан бошланган. Бу бобда Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ иккита ҳадис ривоят қилганлар. Асардаги тартиб бўйича келтирилган умумий ҳадисларнинг рақами 248, 249 ҳадислардир. Аввалда келтирилганидек, ушбу жилднинг сўнгги боби «Тунда намоз ўқиш» баёни. Ушбу бобда ҳам иккита ҳадис ривоят қилинган. Матн бўйича тартиб рақами 730, 731 ҳадислардир. Демак, «Умдатул-қорий» асарининг нозик жиҳатларидан бири иккинчи жузда жами 483 та ҳадисни шарҳлаб берган. Шу билан бирга, битта ҳадисни неча киши ривоят қилган бўлса, барчаларини номма ном санаб ўтган. Ушбу шарҳ Бадриддин Айний томонларидан шарҳ қилинганлиги учун асарда муаллиф тўрт мазҳаб орасидаги у ёки бу кўринишдаги масалаларни ҳам ёритиб берган.

Асарнинг учинчи жузи намоз китобининг «Ифтитоҳ такбир» боби билан бошланади. Бу бобдаги ҳадисларнинг асосий ғояси умумбашарий одоб-ахлоқларни гўзаллаштиришга, шу билан бирга, шаърий, дунёвий масалаларга қаратилган. Тўртинчи жузи эса 786 саҳифани ўз ичига олган. Китоб «Жаноза китоб»идан бошланиб «Ҳаж» китобида тугайди.

Асарнинг бешинчи жузи 745 саҳифани ўз ичига олган. «Ҳаж» китобининг «Умра» бобидан бошланиб, «Музораат» («Деҳқончилик») китоби билан тугайди. Кейинги жузлар ҳам аввалги жузлар каби яхши сақланган. Китобнинг барча қисмлари ҳижрий 847 санада Мисрдаги Омира нашриётида чоп қилинган. Имом Бухорий халқаро марказининг манбалар хазинасида «Б-14» рақами билан рўйхатга олинган.


Ислом дини минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Имом Бухорийнинг «Ал-Жоме ас-Саҳиҳ» тўпламига ёзилган шарҳлар ичида Бадриддин Айнийнинг ушбу «Умдатул-Қорий» шарҳи ҳанафий мазҳабида ёзилган илк ва мукамал шарҳлардандир. Муаллиф ушбу шарҳида «Ал-Жоме ас-Саҳиҳ»да ҳанафий мазҳабига мос келмаган ҳадисларни шарҳлаб келтирган ва афзал томонларини ёритиб берган.

Шунингдек, муаллиф «Умдатул-Қорий» шарҳида ўқувчи фаҳмига тез етиб бориши ва енгил бўлиши учун оят ва ҳадисларга, фаҳмлаш қийин бўлган ўринларга изоҳлар келтирилган. Жумладан, ўқувчи керакли манбани тез топиши учун ҳар бир жуз аввалида мундарижаси келтирилган. Мазкур асарнинг ўрганилмаган қирралари, ҳикматлари жуда кўп бўлиб, бу шарҳ асарни ўзбек тилига таржима қилиниб, уни омма эътиборига ҳавола қилиш масъулиятли вазифаларидан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Бадриддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний. Умдатул-қорий. 1-жуз.
2. Имом Саховий. Умдату-с-самеъ вал-қорий фи фаваид саҳиҳ ал-бухорий. Авлад шайх. 2003.
3. Умар Ризо Каҳҳола. Муъжаму-л-муаллифин. Байурт. Дарул ихя турос арабий. 2008.
4. Ҳожи Халийфа. Кашфуз-зунун. 2009.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ. Олтин силсила. Ж.1. - Т.: Ҳилол нашр, 2016.



Бадриддин Айнийнинг «Умдатул-қорий фи шарҳ Саҳиҳул Бухорий» асари

«Умдатул-Қорий» шарҳида ўқувчи фаҳмига тез етиб бориши ва енгил бўлиши учун оят ва ҳадисларга, фаҳмлаш қийин бўлган ўринларга изоҳлар келтирилган. Жумладан, ўқувчи керакли манбани тез топиши учун ҳар бир жуз аввалида мундарижаси келтирилган

#### Барот Амонов, научный сотрудник Международного научно-исследовательского центра Имама Бухари.

Многие ученые и писатели комментируют книги известного ученого имама Бухари «аль-Джами аль-Саҳиҳ» и эти объяснения играют важную роль в науке хадисов. В этой статье представлен обзор толкований к аль-Джами аль-Саҳиҳ и один из комментариев к секте Ханафи, Умдат-уль-Кари. Также рассказывается о его авторе, причинах написания книги и кратко изложения некоторых частей. В этой книге собрано и содержится 7563 достоверных хадиса, написанных имамом Бухари и есть много пояснений и цитат на арабском языке, которые имеют важное значение для ученых по теологии. Согласно ряду источников можно утверждать, что к книге «аль-Джами аль-Саҳиҳ» написали отзывы около ста известных авторов. Кроме этого в книге охватываются вопросы духовной жизни общества, отличающиеся своими общими моральными принципами, прежде всего в религии. ■

# КУШОН ИМПЕРИЯСИ ВА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



**Тўхташ Аннаев,**  
Термиз археология  
музейи катта илмий  
ходими,  
тарих фанлари  
номзоди,

**Жалолiddин  
Аннаев,**  
Мирзо Улугбек  
номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университети  
талабаси

The article describes the Kushan Empire that ruled in the middle of the I – III before that BC centuries, leaving a deep mark in the history of economic, cultural and trade relations throughout the Central Asian region. The Kushan kingdoms settled in the northern part of Central Asia and still Greco-Roman authors mentioned these peoples, who were called "Katta Yuechilar, «which means "Greater Da Yu-echi. «These ethnic groups by their trips in 140 and 130 BC in to southern Central Asia, conquered the Greco-Bactrian kingdom and ended the rule of Alexander the Macedonian's successors. For three centuries, the Kushan Empire developed in all aspects of socio-economic life and was the most advanced period of urban planning. Among the about 150 archaeological monuments found in Surkhandarya region, three of the four exhibits belong to the Kuchan kingdom.

**Таянч тушунчалар:** Кушон империяси, сакаравллар, ассийлар, пасианлар, тохар-лар, юечжилар, Бактрия, Гандхара, Матхура, Хадда, ябғу, Кужула Кадфиз, Вима Тоқто, Вима Кадфиз, Канишка I, Хувишка, Васудева, Эски Термиз, Гармита, Далварзинтепа

» Э рамизнинг I–III асрлари ўрталарига чача ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги қадимги дунёнинг Рим, Парфия ва Хан Хитойи билан бир даврда мавжуд бўлган империялардан бири ҳисобланади. Кушон империяси нафақат ватанимиз, балки бутун Марказий Осиё халқлари иқтисодий, маданий ва савдо алоқалари тарихида чуқур из қолдирган.<sup>1</sup> Икки аср давомида ҳозирги Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ерларининг катта қисми, Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Хитой мухтор тумани ҳудуди ва аҳолиси айни шу улкан давлат тасарруфида бўлган. Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғларини ўз ичига олган Жанубий Ҳисор тоғ тизмаси Кушон империясининг шимолий чегараси ҳисобланган.

Кушон подшолигига асос солган этник гуруҳлар Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида истиқомат қилганлар. Бу халқ ва элатлар юнон-рим муаллифлари асарларида сакаравллар, ассийлар, пасианлар, ҳинд ман-

баларида тохарлар, Хан Хитойи солномаларида ягона умумий номда «Катта Юечжилар» («Да-Юечжи») деб номланганлар. Бу этник гуруҳлар эрамиздан аввалги 140–130 йиллар оралигида Ўрта Осиёнинг жанубига яъни Бактрияга (Бактрия тарихий маданий ўлкаси таркибига ватанимизнинг Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон ерлари кирган) юриш қилганлар ва бу ерда ҳукмронлик қилган македониялик Александр Македонский давлати меросхўрлари бошқарган Юнон-Бактрия шохлиги ёки Юнонларнинг Бактриядаги давлати ҳукмдорлигига чек қўйганлар. Катта Хан хонадони солномасида «Катта Юечжилар»нинг беш ябғуси Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисис ва Думи тарзида таъкидланган.<sup>2</sup>

Айни шу Хан хонадони йилномаларида таъкидланишича орадан роппа-роса юз йил ўтиб Гуйшуан (Кушон) ябғуси Кужула Кадфиз беш уруғни ўз қўл остига бирлаштириб, Кушон давлатига асос солади. Тарихчи-археолог ва нумизматларнинг таъкидлашларича, бу жа-

<sup>1</sup> Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. М., Наука. 1977, История государственности Узбекистана. Научное издание. Тошкент, Из-во «Узбекистан»: 2009.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. // Т. I. М. – Л.: 1954. т 1–2.



раён эрамизнинг I асрининг 30-йилларида Бахтрия ва Гандхара (Ганга дарёси ҳавзасидаги тарихий-маданий ўлка)да юз берган. Ўз навбатида, Кушон подшоси Вима Тоқто ҳукмронлиги даврида Ҳиндистоннинг шимолӣ ҳудудлари ҳам Кушон давлати таркибига қўшиб олинган. Ўз навбатида, император Канишка I ҳукмронлиги даврида (эрамизнинг иккинчи асри иккинчи ярми ва ўртаси) Кушон империяси қадимги дунёнинг Рим, Парфия ва Хан Хитойи каби улкан империяларидан бирига айланган. Буюк Кушон шоҳлари Кужула Кадфиз, Вима Тоқто, Вима Кадфиз, Канишка I, Хувишка, Васудева ўз давлати чегараларини мустаҳкамлашда, иқтисодиёти, маданияти ва савдо ишларини тараққий топтиришда фаол бўлганлар.

Асрлар давомида мавжуд бўлган муқобил сиёсий вазият ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тараққиётга замин тайёрлаган. Кушон даври (I–III асрлар) шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти янада тараққий топган давр ҳисобланади. Мавжуд шаҳарларнинг янада кенгайиши баробарида (Эски Термиз 350 гектар, Далварзинтепа 33 гектар) воҳанинг янги марказларига асос солинади (Зартепа 17 гектар, Бешкапа 10 гектар) ва Ҳайитобод, Жондавлаттепа каби шаҳарларда ҳаёт муттасил давом этади. Бу шаҳарлар иқтисодий, маъмурий, маданий, диний ва савдо марказлари ҳам ҳисобланган. Далварзинтепа, Зартепа каби шаҳарларда қазиб очилган маҳобатли қабул заллари бу фикримизнинг ёрқин исботидир. Тўғри тўртбурчак (Зартепа) ва кўпбурчак остида қурилган Кушон шаҳарлари асосан икки қисмдан яъни ҳукмдор турган арки-аъло ва асосий шаҳар (ички шаҳар) қисмларидан иборат бўлган. Ўз навбатида, шаҳар ташқарисида диний иншоотлар, шаҳарликлар қабристони, алоҳида бинолар ва ҳунарманд кулол-усталар хумдонлари жойлашган. Хусусан, Далварзинтепа атрофида, асосан, буддавийликнинг муқаддас иншоотларидан бири – ступа, шаҳарлик аслзодалар қабристони яъни науслар, кулол-усталар хумдонлари ўрганилган. Эски Термиз атрофида эса буддавийлик динининг йирик марказлари – Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуи, Фаёттепа буддавийлик монастыри, Зўрмола ступаси жойлашган.

Шаҳарлар мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўраб олинган, девор олди тўсиқлари ва



*Бодхисатва ва гул кўтарган аёл.  
Чингиз 2. I – II асрлар.  
Эски Термиз. Термиз археология музейи*

сув билан тўлдирилган чуқур хандақлар шаҳар муҳофаасини янада кучайтирган.

Шаҳарларнинг барча томонларида ўрнатилган дарвозаларга марказий кўчалар таштирилган бўлиб, улардан бошланган кичик йўллар шаҳар маҳаллаларини марказий кўчалар билан боғлаб турган.<sup>3</sup>

Кушон подшолиги даври ички ва ташқи савдонинг ривожланган даври ҳамдир. Эски Термиз, Кампиртепа, Далварзинтепа, Зартепа каби шаҳарлардан топилган минглаб кушон подшолари номидан зарб этилган тангалар бунга мисол бўла олади. Далварзинтепа, Шаҳригулгула, Хайрабодтепа ва кўплаб шаҳарлар, қалъа-карвонсарой, қишлоқлардан топилган мрамрдан ясалган масҳарабоз ниқоби (Шаҳригулгула), Рим императори Нерон тангаси (Хайрабодтепа), Работ I–II мозоркўрғонидан (Бойсун тумани) топилган рангбаранг миср пастасидан ясалган тақинчоқлар бу даврда Ўрта Ер денгизи ва Миср билан мавжуд бўлган савдо алоқаларидан дарак беради. Ҳиндистон билан мавжуд бўлган савдо ва маданий алоқаларнинг тимсоли қадимги Сурхон заминида дунё динларидан бири буддавийлик иншоотлари ҳисобланади.

Юечжилар (эрамиздан аввалги II аср охири – I асргача) ва айниқса Кушон подшолиги даврида қадим Сурхон воҳаси жадал ўзлаштирилади, кўплаб янги қалъа ва карвонсаройларга асос солинади. Археологик тадқиқотлар туфайли Сурхондарё вилоятида аниқланган Кушон подшолигига оид 150 дан ортик

Кушон подшолиги даври ички ва ташқи савдонинг ривожланган даври ҳамдир. Эски Термиз, Кампиртепа, Далварзинтепа, Зартепа каби шаҳарлардан топилган минглаб кушон подшолари номидан зарб этилган тангалар бунга мисол бўла олади

Археологик тадқиқотлар туфайли Сурхондарё вилоятида аниқланган Кушон подшолигига оид 150 дан ортик археология ёдгорликларининг тўртдан уч қисми бевосита қишлоқлар ҳисобланади

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., и др. Дальварзинтепа\* кушанский город на юге Узбекистана, Пидаев Ш.Р. Тармита-Термез до 1220г генезис и эволюция города // Термиз древный и новый город на перекрестке великих дорог. Ташкент, «Фан». 2001, с. 12–23.

Кушон подшолиги  
даври бадий  
санъати, шу  
жумладан  
хайкалтарошлик,  
деворий суратлар,  
мўжаз санъат  
ва хунарманд-  
чиликнинг янада  
тараққий  
топгандаври  
ҳисобланади



Антефикс. Терракота (пиширилган лой).  
Сопол. Зиндонтепа. II аср.  
Термиз археология музейи коллекциясидан

археология ёдгорликларининг тўртдан уч қисми бевосита қишлоқлар ҳисобланади. Буларнинг умумий майдони 0.25 гектардан 5 гектаргача бўлиб, уларнинг аксарияти каналлар, ариқ бўйлаб жойлашган ва қишлоқ хўжалик экинларининг етиштиришга мўлжалланган. Баъзи бир қишлоқлар (Мирзокултепа, Шўртепа, Термиз ва Ангор воҳаси) ўз қурилиш услубига кўра шаҳарлар каби ягона лойиҳа асосида барпо этилган ва асосан донли, мевали экинларни етиштиришга мўлжалланган. Кушон шаҳарлари ва қишлоқлари ўртасида мунтазам алоқалар мавжуд бўлган ва қишлоқларда ҳам танга пулларга асосланган савдо-сотик ривожланган. Оққўрғон қишлоғидан 150 дан ортиқ танга пулларнинг топиллиши бу жараённинг исботидир.<sup>4</sup>

Бу даврда мавжуд бўлган суғориш тармоғи кенгайди (қадимги Занг канали, Термиз канали ёки Катта нахар яъни Катта анҳор) ва уларнинг баъзи бирларининг узунлиги 25 км га етказилади. Кушон подшолиги даври бадий санъати, шу жумладан, хайкалтарошлик, деворий суратлар, мўжаз санъат ва хунармандчиликнинг янада тараққий топган даври ҳисобланади. Далварзинтепа ва айникса, Холчаён хайкаллари Кушон даври сулолавий санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа буддавийлик монастырларида археологик тадқиқотлар туфайли топилган тош ва лой-ганчдан ясалган будданинг турли кўринишдаги хайкаллари, буддага туҳфа этиш жараёни акс эттирилган деворий суратлар ва диний йўналишдаги

санъатни намоён этади. Бу даврда оқтошни қайта ишлаган ва ундан хайкаллар, устун, каллак (капитель) ва карниз (раҳ) каби тош безаклар тайёрланган махсус устахоналар ҳам барпо этилган ва улар мунтазам фаолият кўрсатган (Хўжа Гулсуяр ёки бургутлар тепалиги).

Улкан ҳудудни ўз тасарруфига бирлаштирган Кушон подшолиги Марказий Осиёда қадимги дунёнинг диний бағрикенг (толерант) давлати ҳисобланади. Шимолда Жанубий Ҳисор тоғ тизмаси ва жанубда Ҳиндистон, ғарбда Кўхитанг тоғларидан Хўтан-Қошғар ерларигача чўзилган бу улкан давлатда зардуштийлик, кавилар руҳига сиғиниш ва буддавийлик динлари кенг тарқалган. Ўз навбатида, бу динлар ва улар билан боғлиқ иншоотлар давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Шунингдек, мавжуд археологик ва ёзма манбаларга кўра, давлат ишлари ҳам уч тилда юритилган. Булар: қадимги бақтрия, кхароштха ва «номалум ёзув»лардир. Юнон алифбосига асосланган бақтрия ёзуви Бақтрия ўлкаси ёзуви бўлса, кхароштхи, ўз навбатида, Ҳиндистон ёзуви, номалум ёзув эса Кушон давлатига асос солган Юечжилар яъни хукмрон қатлам ёзуви ҳисобланган.<sup>5</sup> Бу хат намуналарига XX асрнинг 70-йилларида «номалум ёзув» атамаси берилган ва ҳозиргача тарих фанида бу ёзувни қайси халққа тегишли эканлиги тўғрисида ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ тарихчи-археолог ва тарихчи лингвист олимлар бу хатни қадимги туркий хат деб ҳисобласалар, иккинчи бир гуруҳ бу хатни шарқий-эроний хатнинг бир кўриниши деб билади.

Катта Юечжилар даврида машҳур Хан саройи элчи Чжан Цзян қадимги Хитой учун, ғарбий ўлкаларни очган бўлса, Кушон подшолиги даври Буюк ипак йўлининг янада тараққий топиб ривожланган даври ҳисобланади. Хитойдан Хан саройидан Еттисув, Фарғона (Довон), Суғд оша Бойсунтоғдаги «Темир дарвоза» орқали қадимги Сурхон заминига (ўзининг географик ўрнига кўра, Шимоли-ғарбий Бақтрия) кириб келган карвонлар Шерободдарё (қадимги номларидан бир Туркондарё) ёқалаб Термиз (Тармита)га ёки Музработ воҳасидан Окс (Амударё)даги кечувни кўриқлаб турган қалъалардан бири – Кампиртепага кириб борган. Бу даврда Кампиртепа умумий майдони 4 гектардан иборат мустаҳкам шаҳар-қалъа бўлиб хизмат қилган.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В., Пидаяев Ш.Р. Каталог древних монет южного Узбекистана. Ташкент. «Фан»:1981

<sup>5</sup> Pidaev Sh. Annaev T. Fussman G. Monuments beuddhtsucs de Termez. Paris, 2011., Voll I– II., pp. 280.

Тарихчи-археологларнинг таъкидлашларича, Буюк Кушон даврида (I – II асрлар) Кампиртепа карвонларни назорат қилган қалъадан савдо-божхона марказига айланган. Бу жойдан Сўғд, Хитойдан ёки Ҳиндистондан Бақтр (Балх) орқали келтирилган моллар Окс (Амударё)нинг у қирғоғидан бу қирғоғига олиб ўтказилган. Тармита (Термиз)даги улкан умумий майдони 9 гектардан иборат мустақкам қалъа айнан Окс Амударёда қирғоғида, дарё ичидаги Пайғамбар ороли рўпарасида қурилган. Бу қалъа Чингизтепа номи остида маълум бўлиб, бевосита карвонсарой вазифасини ўтаган. Бу жойда ва унинг рўпарасида Амударёдаги Пайғамбар оролида тўпланган моллар қайиқларга юкланиб Қадимги Хоразм ва ундан сўнг Орол денгизи, Ўзбой ва Сарикамиш орқали Каспий денгизига, Кавказ дарёлари оша Қора денгизга чиқиб Олд Осиё ва Ўрта Ер денгизи, Рим ва Миср ҳудудларига савдогарлар томонидан олиб борилган.

Амударёнинг юқори ҳавзаси бўйлаб Бадахшон ва Помир тоғлари оша Шинжон (Синзян)га йўналган савдо йўли ҳам бетиним фаолият кўрсатган. Бу йўналишда Тармита (Термиз)да Айритом, Хўжа Гулсуяр ёки Бургутлар тепалиги ўрнидаги иншоотлар жуда муҳим ўрин эгаллаган. Бу йўл яъни Амударё юқори оқими бўйлаб қадимги Хитой туташ бўғин халқлар ва мамлакатларнинг маданий тараққиётида ҳам муносиб ўрин тутган. Янги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, дунё динларидан бири – буддавийлик таълимоти Окс (Амударё)дан шимолий тарафда жойлашган ерларга эрамиздан аввалги I асрда кириб келган. Эрамиздан аввалги I аср охирида ёки эрамизнинг I аср бошидаёқ Тармита (Термиз) да йирик буддавийлик иншооти яъни Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик монастирига асос солинади. Айнан эрамизнинг

I асрдан бошлаб Тармита (Термиз) буддавийликни Марказий Осиё бўйлаб тарқатишида ўзига ҳос марказ бўлиб хизмат қилган. Ёзма манбаларда буддавийлик динини Хан Хитойида ёйилишида жонбозлик кўрсатган Дхармамитра, Дхарма-ракша ва ҳ.к. буддавийлик таълимоти даъватчилари номларининг тилга олиниши бунинг исботидир.

Юқорида баён этилган қисқа шарҳларидан англашиладики, эрамизнинг I–III асрлари ўрталаригача ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги нафақат қадимги Ўзбекистон тарихида балки бутун бир Марказий Осиё тарихий тараққиётида чуқур из қолдирган. Булар, авваламбор, шаҳарсозликда, бадий санъатда, шу жумладан, ҳайкалтарошлик ва маҳобатли ранг-тасвир санъатида, ҳунармандчиликда, тил ва ёзувда ҳам яққол кўзга ташланади. Кушон подшолиги даврида бу подшолик ҳудудида қатор бадий санъат мактаблари шаклланади. Бу мактабларнинг иккитаси, яъни Бақтрия, Гандхара бадий санъат мактаби ҳайкалтарош, мусавирлари, кулол усталари ва хатотлари томонидан тенги йўқ санъат намуналари яратилган. Холчаён саройини безаб турган ҳайкаллар, Айритом фризлари, Фаёзтепа, Чингиз 2, Қоратепа ҳайкалтарошлик намуналари ва деворий суратлари айти шу Кушон даври Бақтрия бадий санъати мактабининг энг ёрқин намуналари ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. *История государственности Узбекистана. Научное издание. Тошкент, Из-во «Узбекистан»: 2009.*
2. *Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. М., Наука. 1977*
3. *Pidaev Sh. Annaev T. Fussman G. Monuments beuddhtsucs de Termez. Paris, 2011., Voll I-II., pp. 280*

**Тухташ Аннаев, старший научный сотрудник Термезского археологического музея, кандидат исторических наук.**

*В статье описывается Кушанская империя, правившая в середине I - III в. н.э, оставившая глубокий след в истории экономических, культурных и торговых отношений во всём Центрально-азиатском регионе. Этнические группы Кушанского царства обосновались в северной части Центральной Азии и ещё греко-римские авторы упоминали эти народности, которых называли «Катта Юечжилар», что в переводе означает «Большие Да-Юечжи». Эти этнические группы своим походами в 140 и 130 годах до н.э в южную часть Средней Азии завоевали Греко-Бактрийское царство и положили конец правлению преемников Александра Македонского. В течении трех веков Кушанская Империя развивалась во всех аспектах социально-экономической жизни и являлась наиболее продвинутым периодом градостроительства. Среди найденных в Сурхандарьинской области около 150 археологических памятниках, три из четырех экспонатов относятся к Кушанскому царству. ■*

<sup>6</sup> Г.А. Скульптура Халчаяна. М., Искусства. 1971 г.

Янги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, дунё динларидан бири – буддавийлик таълимоти Окс (Амударё)дан шимолий тарафда жойлашган ерларга эрамиздан аввалги I асрда кириб келган

Холчаён саройини безаб турган ҳайкаллар, Айритом фризлари, Фаёзтепа, Чингиз 2, Қоратепа ҳайкалтарошлик намуналари ва деворий суратлари айти шу Кушон даври Бақтрия бадий санъати мактабининг энг ёрқин намуналари ҳисобланади

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАРИХИГА ДОИР БИБЛИОГРАФИЯ



**Феруза Нуриддинова,** «TURON» ахборот-кутубхона маркази библиографи, манбашунос

Тошкент вилоятининг 20–30-йиллар тарихидан баҳс юритувчи «Тошкент вилояти тарихидан: 20-йиллар матбуотида эълон қилинган мақолалар библиографияси (1920–1930)» номли библиографик кўрсаткич нашрдан чиқарилган

**Б**из дунёга келиб, ўсиб вояга етган, дунёни таниб, катта ҳаётга қадам қўйган бу макон – Ватан ичра кичик Ватандир. Киндик қонимиз тўкилган бу табаррук тупроқ бизлар учун азиз ва муқаддасдир. Ахир бежизга «Туғилган еринг – Ватанинг, Ватанинг – номусинг» деб айтилмаган.

Мен Тошкент вилоятининг собиқ Калинин туманидаги (у 1975 йил 25 ноябрдан «Тошкент тумани» деб номланган) Охунбобоев номли колхозда таваллуд топганман. Бизнинг колхоз аҳолиси деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва пиллачилик ишлари билан шуғулланишар эди. Менинг ота-боболарим эса асосан узум етиштириш билан шуғулланишган. Бундан 30 йиллар аввал колхоз ҳудудидаги тоқзорда 15 қатор боғимиз бўлар эди. Узумзорга экилган ҳусайни, кишмиш, тоифи, даройи, қирмиска, буваки, ҳасайни, чарос, ризамат, баян ширей каби узум навлари шунчалик мўл-кўл ҳосил берар эдики, ҳатто уларни узиб тугата олмас эдик...

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоятининг тупроғи тиллога тенг, унумдор ва ҳосилдор бўлиб, унда шириндан шакар мева ва сабзавотлар етиштирилади. Мен ҳам шу заминнинг серҳосил мевазорларида етишган табиий ва экологик тоза ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб ўсганимдан фахр туйғусини хис қиламан.

Тошкент вилоятининг ташкил топганлигига 80 йил тўлгани (Тошкент вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган) муносабати билан мен Тошкент вилоятининг 20–30-йиллар тарихидан баҳс юритувчи «Тошкент вилояти тарихидан: 20-йиллар матбуотида эълон қилинган мақолалар библиографияси (1920–1930)» номли библиографик кўрсаткич нашрдан чиқарилди. Мазкур библиографик кўрсаткич Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона марказининг

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоятининг тупроғи тиллога тенг, унумдор ва ҳосилдор бўлиб, унда шириндан шакар мева ва сабзавотлар етиштирилади. Мен ҳам шу заминнинг серҳосил мевазорларида етишган табиий ва экологик тоза ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб ўсганимдан фахр туйғусини хис қиламан.

Бибблиографик кўрсаткич 9 қисмдан иборат: 1.Тузувчидан. 2.Тошкент вилояти ҳақида. 3.«Шарқ ҳақиқати» газетаси (1928–1930). 4.Элбек (1898–1938). 5.Абдулла Алавий (1903–1931).6. Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона маркази. 7. Библиография. 8.Исмлар кўрсаткичи. 9. Библиографиядан ўрин олган мақолалардан намуналар.

Ушбу библиографик кўрсаткич 76 бетдан иборат бўлиб, ундан 20-йиллар матбуоти саҳифаларида эълон қилинган Тошкент вилояти ҳақидаги 500 та мақола, хабар, билдириш ва бадий асарнинг рўйхати ўрин олган. Ундаги материаллар хронологик ва алифбо тартибда жойлаштирилган. Улар араб ёзувидаги «Иштирокиён» (1918–1920), «Қизил байроқ» (1920–1922), «Туркистон» (1922–1924), «Қизил Ўзбекистон» (1924–1930), «Шарқ ҳақиқати» (1928–1930), «Зарафшон» (1924–1927), «Камбағал деҳқон» (1925–1929) газеталарида ҳамда «Болалар дунёси» (1921), «Маориф ва ўқутғучи» (1925–1930), «Ер юзи» (1925–1928), «Янги йўл» (1925–1929) ва «Янги кишлок» (1929) журналларида эълон қилинган бўлиб, турли жабҳаларга оид материаллардан иборатдир.

Уларда Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар ўз талқинини топган. Мазкур библиографик кўрсаткичга 100 йиллик бой тарихга эга бўлган Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона маркази, шунингдек, «Шарқ ҳақиқати» (ҳозирги Тошкент ҳақиқати) газетаси ҳақидаги материаллар ҳам киритилди. Бундан ташқари, китобдан Тошкент вилоятида туғилиб ўсган, 20-йиллар

матбуотида ўзининг шеър ва мақолалари билан фаол қатнашган икки истеъдодли шоир Элбек (Машриқ Юнусов) ва Абдулла Алавийларнинг ижодларидан намуналар ҳам ўрин олган. Мазкур мавзулар бўйича керакли маълумотлар ва айрим суратлар ҳам библиографик кўрсаткичга киритилган. Ўқувчиларга китобдан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида «Исмлар кўрсаткичи» ҳам ҳавола этилган.

Умуман олганда, ушбу нашрдан, асосан, Тошкент вилоятида ўказилган ер ислоҳоти, «Хужум» кампаниялари, районлаштириш, колхозлаштириш, ерлилаштириш, соғлиқни сақлаш ишлари, пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, мактаб-маориф, кутубхона, уезд вақф шуъбаси, кончилик ва яна шунга ўхшаш соҳаларга оид материаллар ўрин олган. Шу ўринда бир нарсани қайд қилиш керакли, 20-йиллар матбуотида «вилоят» сўзи маъносида «уезд», «музофот» ва «округ» сўзлари қўлланилган. 1926 йилда Тошкент вилоятида районлаштириш ишлари амалга оширилган бўлиб, бунинг натижаси ўлароқ вилоят қуйидаги 11 та туманга бўлинган эди: Шаҳар атрофи райони, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон, Пискент, Мирзачўл, Бекобод ва Савод туманлари.

Нашрда вилоятдаги баъзи туман, шаҳар ва қишлоқларга бағишланган мақолаларни ҳам кўришимиз мумкин: «Кезиб келгувчи» им-зоси билан ёзилган «Тошкент уезди Чиноз бўлисида» («Қизил Ўзбекистон», 1924 йил 5 декабрь), Полвоновнинг «Тўйтепа бозори» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 28 сентябрь), Хушназаровнинг Тошкент туманидаги Қорахитой қишлоғи ҳақидаги «Қорахитой қишлоғининг аҳволи» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 16 декабрь), Эргашнинг Янгийўл бўлисидаги Чочтепа овули ҳақидаги «Чочтепа қишлоғида» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 20 ноябрь), Ҳакимовнинг «Бурчмулла қишлоғи» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 23 сентябрь) ва Яҳё Иброҳимовнинг Оҳангарон районининг узоқ ва тоғлик бурчакларидан бўлган Оқтов ҳақидаги «Мушфиқ Оқтов боқимсиз» («Қизил Ўзбекистон», 1927 йил 14 октябрь) каби мақолалар.

20-йиллар матбуотида мустамлакачилик мавзуи ҳам кенг ёритилганки, уни четлаб ўтиб бўлмайди. Бунга мисол тариқасида «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 22 август сонидан чоп этилган «Очиқ мустамлакачилик» номли кичик ҳажмдаги мақолани келтирамиз: «Уеаз маориф шуъбаси уеаз мусулмон ин-

тернатлариға керакли асбоблар учун аванс сўраб Ўлка Маориф комиссарлигига бир неча мартаба мурожаат қилса ҳам, ҳар вақт «Пул йўқ, келганда берилур» каби бачкана жавоблар олиб келди. Ўлка Маориф комиссарлигининг ижтимоий тарбия бўлими мусулмонлар интернатлари учун шу хил жавоблар бериб келгани ҳолда, ўрус интернатлариға ақча топилиб ва берилиб турадир.

Масалан, яқинда Никольский ном ўрус қишлоғидаги интернатға асбоб олмоқ учун уеаз маориф шуъбаси ҳисобиға 300 000 сўм аванс берилган. Ҳолбуки уеаздаги мусулмон интернатлари бир йилдан бери аванс юзи кўрмайлар... Бу очик мустамлакачилик эмасми?»

Мазкур библиографик кўрсаткичдан Чимён ва Чирчиққа бағишланган кўплаб материаллар ҳам ўрин олганки, қуйида улар билан сизларни яқиндан таништирамиз. Чимён ҳақида: Маъруфнинг «Чимён конида мусулмонлар қисқартириб чиқарилди» («Туркистон», 1924 йил 29 октябрь), Лазиз Азиззоданинг «Тотли» имзоси билан босилган Чимён курортида мусулмонларни таҳқирлаш ҳоллари ҳақидаги «Чимён курорти аҳволидан» («Туркистон», 1924 йил 13 август), «Яна Чимён курорти тўғрисида» («Туркистон», 1924 йил 3 сентябрь) ва Чимён тоғи тўғрисидаги «Туркистон хусусиятларидан» (1924 йил 28 октябрь), «Чимён конида мусулмон ишчиларнинг ҳоли жуда ёмон» («Туркистон», 1924 йил 31 июль), «Чимён конида нефть булоқлари» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 17 февраль), Ҳакимовнинг «Чимён курортида» («Қизил Ўзбекистон», 1925 йил 30 июль) ва «Чимён курортининг лўттибозликлари» («Қизил Ўзбекистон», 1926 йил 12 июль), «П.» имзоли «Чимён курорти тўғрисида» («Қизил Ўзбекистон», 1927 йил 1 август), Комил Алиевнинг Чимён курортидаги тартибсизликлар ҳақидаги «Чимён» («Қизил Ўзбекистон», 1928 йил 23 июль) ва Акмал Асомийнинг «Чимён курорти» («Шарқ ҳақиқати», 1929 йил 9 август) каби мақолалар ҳамда Элбекнинг «Чимён» («Қизил Ўзбекистон», 1926 йил 6 июль) ва «Чимён тоғи»ға («Ер юзи», 1926 йил 11-сон, 3-бет) деган шеърлари.

Юқорида номи зикр қилинган Лазиз Азиззоданинг «Туркистон хусусиятларидан» номли мақоласида муаллиф Чимён тоғининг ўсимлик дунёси ҳақида ҳикоя қилади:

«Туркистонда гўзал ва бой ерлар саноксиз бўлуб, ҳали ҳеч бир ёғи текширилмаган. Туркистон жуда эски замонлардан юксак маданиятли бўлгон бўлса-да, доим урушлар бў-

Библиографик кўрсаткичга 100 йиллик бой тарихга эга бўлган Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона маркази, шунингдек, «Шарқ ҳақиқати» газетаси ҳақидаги материаллар, Тошкент вилоятида туғилиб ўсган, истеъдодли шоир Элбек ва Абдулла Алавийларнинг ижодларидан намуналар ўрин олган

Тошкент вилоятида ўказилган ер ислоҳоти, «Хужум» кампаниялари, районлаштириш, колхозлаштириш, ерлилаштириш, соғлиқни сақлаш ишлари, пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, мактаб-маориф, кутубхона, уезд вақф шуъбаси, кончилик ва яна шунга ўхшаш соҳаларга оид материаллар ҳавола этилган

Туркистоннинг ҳали бизга билинмаган бой ерларидан Тошкент уязидан Искандар бўлисига қарашлиқ Чимён тоғи ҳам Бисткон томонларидир (ҳалқ Писком деб атайдир) – маъноси йигирма кон демақдир

Китобдан яна ичкиликбозлик, порахўрлик, ўғрилик, қиморбозлик каби иллатларга қарши курашга даъват этувчи мақолалар ҳам салмоқли ўринни эгаллаган



либ турғонидан илмий текширишлар бўлмагон...

Туркистоннинг ҳали бизга билинмаган бой ерларидан Тошкент уязидан Искандар бўлисига қарашлиқ Чимён тоғи ҳам Бисткон томонларидир (ҳалқ Писком деб атайдир) – маъноси йигирма кон демақдир. Писком тўғрисида на оврупа асарларда ва на Шарқ тилларида ёзилган китобларда бир нарса йўқ. Бу ернинг бойлиги сўнгги йилларда ўз халқларига билина бошлади. Пискомлик ишончли бир ўртоқнинг сўзига кўра кейинги чоқларда теварақдаги тоғлардан ҳар хил қиматлик тошлар топила бошлагон.

